Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим
сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 32 (993) • 2014-yil, 15-avgust, juma

## Озодлик, ободлик, тинчлик истиқлолимиз кўзгусидир

Бугун халқимиз энг улуғ ва энг азиз байрамимизнинг шонли 23 йиллиги шодиёналари руҳи билан яшамоқда. Ҳар йили шу азиз кунга яқинлашганимизда қалбимиз фахр-ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошади. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият сафидан мустаҳкам ўрин олаётгани, халқимизнинг турмуш тарзида, ҳаёти ва дунёқарашида юз бераётган ўзгаришлар, шижоатли меҳнат туфайли қўлга киритилаётган ютуқлар маржони кўз ўнгимиздан бирма-бир ўтади.

Мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритиб, эркин, демократик жамият қуриш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришдек юксак мақсадларни ўз олдига қўйганига ҳам салкам чорак аср бўлди. Бироқ, эришилган ютуқ ва марраларни таҳлил қилсак, бу қисқа давр асрга татийди. Халқимизнинг сабр-бардоши, матонати-ю жонбозлиги, Юртбошимизнинг оқилона сиёсати бугунгидек дориламон кунларга олиб келди, дейишимизга тўла асослар бор. Чунончи, оғир синовлар, озодлигимизга, тинчлигимизга қилинган ташқи тажовузлар, кўп уклатли бозор иқтисодиётига ўтишимизда собиқ тузум иқтисодиёти ва мафкурасидан қолган асоратлар таъсири бу йилларнинг ҳар дақиқаси жасорат ва матонатга тўла эканлигини кўрсатади.

Халқимизга бундай мислсиз куч-қувватни, шубҳасиз, азалий орзуимиз — истиқлол берди. Бугун барчамиз буни дилдан ҳис этиб турибмиз.

Ҳар йили бу улуғ байрам муносабати билан мустақиллик даврининг бетакрор тарихига айланиб бораётган яна бир шиддатли, сермазмун йилига назар ташлаймиз, жаҳон ҳамжамиятида Ватанимизнинг шон-шуҳрати, нуфузи, обрў-эътибори тобора ошиб бораётганидан фахрланамиз, йил бошида режалаштирган ишларимиз қандай амалга ошганлигини сарҳисоб қилиб, янги, янада юксак марраларни белгилаймиз. Шу нарса аниқки, бирор соҳада эришилган ижобий натижа уни ҳар томонлама сақлаб қолиш ва ривожлантириш билангина муҳим аҳамиятга эга бўлади. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида мамлакат олдида турган муҳим тарихий вазифа — мустақилликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётида тинчлик-тотувликни сақлаб қолиш, таъминотдаги узилишларнинг олдини олиш, одамларнинг онгшуурига истиқлол ғояларини сингдириш, халқнинг қадрқимматини кўтариш, ёруғ кунларга ишончини йўқотмаслик эди. Бу вазифаларнинг ҳар бири жуда катта шижоат ва матонатни, қатъиятли раҳбарлик салоҳиятини, айниқса, узоқни кўра билишликни талаб қилар эди. Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлиги остида қисқа вақт ичида тараққиётнинг яқин келгусига мўлжалланган бош йўналиши, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетига хос ва мос ривожланиш модели, яъни машҳур беш тамойилнинг ишлаб чиқилгани айни муддао бўлди. Ўтган йиллар давомида турли вазиятларда ўзини тўла оқлаган, даврнинг оғир синовларидан ўтган ва дунё миқёсида тан олинган бу модел, аввало, мамлакатда янги, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда халқимизнинг куч-қудрати ва интеллектуал салоҳиятига, хоҳиш-иродасига асослангани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

2 ➢




## Бир келиб кетинг қишлоғимизга...

➢ Ифтихор

Ёши улуғ кишиларимиз яхши эслайдики:
***Бир келиб кетинг қишлоғимизга,*** – деган мисра такрорланадиган бир қўшиқ бўлар эди. Бугун очиқ-ойдин тан олишимиз керакки, бу қўшиқ куйланган маҳаллаларда қишлоқларимизнинг умумий аҳволи ҳавас қилгулик даражада эмас эди.
Бу қўшиқни бугун айтсак, ярашади...

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонимизда ҳам шаҳарлашиш жараёни сезиларли даражада тезлашди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг ярмига яқини шаҳарларда истиқомат қилади.

Аммо шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш учун, албатта, қишлоқ аҳлини шаҳарларга кўчириш шарт эмас. Модомики, Ўзбекистонимизда яҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги муҳим ишлаб чиқариш тармоғи ҳисобланар экан, қишлоқларнинг ўзида шаҳарлардагидек шарт-шароитлар яратиш йўлидан бориш керак.

Истиқлол йилларида қишлоқ жойларда ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилди. Ер эгасига, яъни деҳқонга қайтарилди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган колхоз ва совхозлар батамом тугатилиб, ўрнига бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ишлайдиган замонавий типдаги фермер хўжаликлари ташкил этилди. Тамоман янги иқтисодий муносабатлар шаклланди ва йил сайин такомиллаша боряпти.

Қишлоқда мулкдор пайдо бўлди. Пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди. Ғалламиз 1991 йилги 940 минг тоннадан бу йилга келиб 8 миллион 50 минг тоннадан ошди. Ўртача ҳосилдорлик гектаридан 17 центнердан 55 центнерга ўсди. Мева-сабзавот, полиз маҳсулотларининг турлари кескин даражада кўпайди. Қишлоқ хўжалигига янги техника ва технологиялар жорий этилди. Қишлоққа саноат кириб келди. Тараққий этган фермер хўжаликлари ўзлари ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзлари қайта ишлайдиган кичик ва ўрта бизнес корхоналари қура бошлади. Шу тариқа қишлоқларда янги иш жойлари пайдо бўлди, аҳоли меҳнат ўрни билан таъминланди, ишлаб чиқаришнинг янги-янги турлари ва шакллари юзага келди.

Бу ютуқларнинг бари мамлакатда олиб борилган оқилона сиёсатнинг ширин мевалари сифатида қўлга киритилди.

Меҳнат – инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи. Аммо ҳормай-толмай ишлаган киши шунга яраша яхши, фаровон, замон талаблари асосидаги юксак турмуш даражасига эришган ҳолда яшаши ҳам керак.

Қишлоқда турмуш фаровонлигига эришиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар изчил давом этди. 2009 йил 3 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги** қарори қабул қилинди.

4 ➢

## Бу рақамлар оддий рақамлар эмас...

➢ Ким эдигу ким бўлдик!

Бирор мамлакат ҳақида гап кетганда унинг халқаро миқёсдаги ўрни, муайян кўрсаткичлар бўйича дунёда нечанчи поғонада туриши тилга олинади. Бу ўша давлатнинг салоҳиятини, ривожланиш даражасини кўрсатади.

Собиқ тузум даврида шундай маълумотларни ўқиганимизда, эшитганимизда хорижий давлатларнинг тараққиётига қойил қолардик. Ўзбекистонимизни ҳам уларнинг сафидан жой олишини орзу қилардик.

2 ➢



➢ Партия лойиҳалари

Соғлом ва баркамол авлод мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, турмушимиз ободлигини таъминловчи, мустақиллигимизни мустаҳкамловчи қудратли кучдир. Юртимизда 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни соғлом ва баркамол вояга етказиш, уларни жисмонан соғлом ва маънан етук қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасида эканининг ёрқин тасдиғидир.

## Амалий ишлар ишончни оширади

“Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлар нафақат давлат ташкилотлари, балки жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари зиммасига ҳам улкан вазифалар юклайди.

Хусусан, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши XI пленумида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси билан боғлиқ бир қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, айни пайтда ушбу режа асосидаги саъй-ҳаракатлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.

Энг аввало, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ҳамда фаоллари давлат дастурининг ҳудудларда ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини таъминлашга оид чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Буни амалий ишлар билан тасдиқлаш учун ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини, фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, болаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга қаратилган қатор лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилаяпти.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида барча вилоятларда «Соғлом оила – мустаҳкам жамият – барқарор мамлакат», «Ёруғ келажак ва соғлом авлод йўлида ижтимоий ҳамкорлик», «Тиббий профилактика – репродуктив саломатлик – соғлом бола», «Ёш авлодсиз келажак йўқ», «Бола қувончи – олам қувончи» лойиҳалари бўйича ишлаб чиқилган режа асосида бир қатор акциялар, давра суҳбатлари, тиббий кўриклар ташкил этилди.

2 ➢



## Тадбиркорлик — ижтимоий ҳимоя таянчи

Бугун юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар соҳани янада тараққий эттириш билан бирга ички ва ташқи бозорда унинг улушини кўпайтиряпти. Аҳолининг кўпчилик қисми мазкур тизимда банд бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг йўлга қўйган биргина Андижон вилоятининг ўзида ҳозирликда 80 фоизга яқин аҳоли ушбу соҳанинг фаол иштирокчисига айланиб бораяпти.

4 ➢

## Депутат ва БПТ ҳамкорлиги электорат манфаатлари ҳимоясида муҳим роль ўйнайди

Мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишда сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан кўра ортиб бораётган бугунги кунларда асосий эътибор демократик фуқаролик жамиятининг асоси бўлган сайловчилар ва масъулиятли дамларда сиёсий партияларни қўллаб-қувватлаган электорат ишончини оқлаш ҳамда қозонишга қаратилаётир. Партияларнинг таянч нуқталари ҳисобланган бошланғич партия ташкилотларидан то парламентдаги фракция фаолиятигача бўлган тизимни янада мустаҳкамлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар, айниқса, кейинги кунларда сиёсий партиялар фаолиятида янада яққолроқ кўзга ташлана бошлади. Чунки уларни жиддий имтиҳондан ўтказадиган сиёсий жараёнлар тобора яқинлашмоқда.

3 ➢

ADOLAT
№ 32 (993) 2014-yil
15-avgust, juma

# Озодлик, ободлик, тинчлик

## истиқлолимиз кўзгусидир

Давоми. Боши 1-бетда

Бу беш тамойилнинг моҳияти ўтиш даврида давлат зиммасига бош ислоҳотчи деган масъулиятнинг юкланиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини таъминлаш, жамият ҳаётида қонун устуворлигига эришиш, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя остига олиш ва ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби ўта мураккаб вазифалардан иборат эди.

Бугун дунёнинг кўпгина мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқироз туфайли ғоят мураккаб муаммолар билан юзма-юз турганида, йирик корпорациялар, концернлар иш ўринларини, ижтимоий ҳимоя пакетларини қисқартиришга мажбур бўлаётганида иқтисодчи олимлар, молиячи мутахассислар тўқсонинчи йиллар бошида Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий сиёсат борасида ғоят тўғри ва мақсадга мувофиқ йўлни танлаганини расман эътироф этмоқдалар.

Мураккаб шароитларда аҳолини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шаҳару қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, янги авлод тарбияси, бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари, илм-фан, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқларимизга бугун дунёнинг ҳаваси келмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Мустақиллик — улуғ неъмат, бебаҳо бойлик, энг аввало, ҳуқуқ эканлигини юртдошларимиз чуқур англаб етдилар. Мустақиллик ҳаётимизни, дунёқарашимизни ўзгартирди. Дунёга, ён-атрофимизга янада теран назар ташлашга ўргатди. Қадриятларимизни қайтариб берди. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилмади. Қанча довонлар, хавфу хатарлар, тўсиқлар, қийинчиликлар... Истиқлолнинг илк йиллариданоқ олиб борилган доно сиёсат, халқимизнинг матонати бу тўсиқларнинг барчасини мардонавор енгиб ўтиш имконини берди. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятида халқимиз осойишталиги ва фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам эди. Бугун бунёдкорлик, яратувчанлик куч-ғайрати билан яшаётганимиз, эзгу орзу-умидлар ҳаваси билан нафас олаётганимизнинг асл сабаби ҳам шунда...

Ўтган 23 йил жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган кенг кўламли ислоҳотлар даври бўлганини, янги Ўзбекистон дунёдаги энг бунёдкор давлатлардан бирига айланганини бугунга келиб жаҳон аҳли эътироф этмоқда. "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг амалиёти мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадриятга айлантирди. Хусусан, мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳам Ўзбекистонимизнинг аввалбошдан танлаган тараққиёт йўлининг тўғри эканини, бу интилишлар юртдошларимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганини кўрсатмоқда. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармоқларининг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг манфаатлар мувозанатини ва



бир-бирини тийиб туришини таъминлаш, сиёсий партиялар ролини кучайтириш тамойилларига асосланган сиёсий тизимни шакллантириш бўйича пухта ўйланган, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган ислоҳотлар халқимизни бефарқ қолдирмади. Айниқса, мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб, кенг кўламли вазифаларни ҳал этишда сиёсий партиялар зиммасига ҳар қачонгидан кўра ўта масъулиятли вазифалар юкланаётир.

Айниқса, 2010 йилнинг 12 ноябрь куни Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими ва ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот, сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, ривожлантириш, шунингдек, демократик бозор ислоҳотларини, иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурдиларки, унинг асосида қабул қилинаётган қонунлар бугун мамлакатимиз тараққиётининг юксалишига, жамиятни янада эркинлаштириш, демократлаштириш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Бу ўзгаришлар ҳам биз депутатлардан янада фаолроқ, ташаббускорроқ бўлишни талаб этмоқда.

Концепция мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларни изчил давом эттиришда дастурий аҳамият касб этмоқда. Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини янада оширишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришни, сиёсий партиялардан, хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДПдан партиявий-сиёсий фаолиятга бўлган ёндашувларни замон талаблари даражасига кўтаришни, ўз фаолиятимизни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқишни, Ватанимиз келажаги ва тақдири учун улкан ваколатлар берадиган масъулиятни ўз зиммамизга олишга тайёр бўлишни талаб этмоқда.

Парламент томонидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларга киритилган қўшимчалар ҳам сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, сиёсий партиялар имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва янада либераллаштириш, "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Улар юртимизда фуқаролик жамиятини жадал ривожлантириш, унинг одамларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини ошириш, ҳокимият тузилмалари фаолияти ошкоралигини кучайтириш ва бошқарув соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини хабардор этиш каби мақсадларга хизмат қилади.

Ҳар йили алоҳида шиор билан азиз байрамимизни нишонлаш анъана тусини олган. Бу йилги байрамимиз ҳам ўзгача маъно ва мазмунга эга, яъни "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида қарши олинмоқда. Айниқса, ушбу шиор ташкил этилаётган тарғибот тадбирларининг бош ғояси бўлаётгани уларнинг таъсирчанлигини янада оширмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик шонли санасини зўр қувонч билан, илғор ғоя ва таклифларни илгари суришдек фаоллик билан қарши олмоқда.

"Адолат"чилар энг улуғ ва энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш юзасидан партиянинг ташкилий-амалий, маданий-маърифий ҳамда тарғибот тадбирлари дастурини ишлаб чиқди. Ушбу дастурда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди. Энг чекка ҳудудларда ҳам "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиорининг туб мазмун-моҳиятини қиёсий ва таҳлилий мисоллар асосида очиб беришда фаол иштирок этилмоқда. Айниқса, она Ватанимизнинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — «ўзбек модели»нинг юртдошларимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри ва энг оқилона йўл сифатида танлаб олинганини янги авлод вакилларига, партия электоратининг ёш авлоди онгига етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун "Адолат" СДП фаоллари юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, турмуш ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида ҳар қачонгидан ҳам кўра кўтаринки руҳда, шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Фаолиятимиз энг аввало, жаннатмонанд она Ватанимиз қучоғида истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг ғурур ва ифтихорини янада юксалтиришга қаратилгандир.

Мухтасар айтганда, олдимиздаги энг асосий вазифалардан бири байрам муносабати билан мустақилликнинг нечоғли улуғ неъмат эканини, уни асраб-авайлаш, бунёдкорлик ишлари, шахсий ташаббус билан муқаддас Ватанимизнинг иқтисодий, маънавий-маърифий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, бу туйғуни ёшлар онгига чуқур сингдириш, партия сафларини янгича фикрлайдиган, замонавий касб ва билимларни эгаллаган ғайрат-шижоатли йигит-қизлар билан мустаҳкамлашдан иборатдир.

**Собир ТУРСУНОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари




# Бу рақамлар

## оддий рақамлар эмас...

Давоми. Боши 1-бетда

Орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Мамлакатимиз биз орзу қилгандек бир неча соҳаларда илғор давлатлар даражасига кўтарилди. Нуфузли халқаро ташкилотлар, статистика қўмиталари ва экспертлар юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларини, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўплаб жабҳалардаги натижаларни юқори баҳоламоқда.

Яқинда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлараро статистика қўмитаси минтақа мамлакатларининг 2014 йил биринчи ярим йиллигидаги ривожланиш кўрсаткичларини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича МДҲда биринчи ўринни эгаллади. Юртимизда бу соҳа ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоиз ўсган.

Мазкур ҳисоботда мамлакатимиз бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам юқори ўринларда қайд этилган. Лекин айнан саноат соҳасига алоҳида эътибор қаратаётганимизнинг сабаби бор.

Маълумки, собиқ тузум даврида юртимиз фақат пахта етиштиришга ихтисослаштирилган аграр республика эди. Кам сонли завод ва фабрикалар ҳам фақат шу соҳага мослаштирилганди. Оқибатда саноат умуман ривожланмаган, юртимизда саноат маҳсулотлари деярли ишлаб чиқарилмас эди. Ўша пайтда Ўзбекистон киши бошига тўғри келадиган ялпи ижтимоий маҳсулот бўйича собиқ иттифоқда 12-ўринда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан энг охирги ўринларда турарди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач иқтисодиёт таркиби тубдан ўзгартирилди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, замонавий саноат корхоналари ташкил этишга киришилди. Тараққий топган мамлакатлар, машҳур компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Бугун юртимизда юксак технологияларга асосланган кўплаб замонавий корхоналар фаолият юритмоқда. Уларда кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Халқимиз эҳтиёжи тўлиқ мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ҳисобидан қопланмоқда. Юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларимиз ички бозорни тўлдириш билан бирга экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

Кўп эшитганмиз: илгари юртдошларимиз мабодо чет элга бориб қолса, Ўзбекистонни билмаган хорижликлар «у ерда нималар бор», деб сўрар экан. Ҳамма биринчи навбатда «пахта» дея жавоб берар экан. «Яна-чи» деб сўраб қолишса, юртдошларимиз тайинли гап тополмай, мавзуни бошқа томонга бураркан.

Бугун мамлакатимизни ҳамма танийди, муваффақиятларимизни тан олмоқда, тўғрироғи, тан олишга мажбур бўлмоқда. Энди чет элликлар Ўзбекистонда нималар бор деб эмас, нима йўқ, деб сўраса тўғрироқ бўлади.

Жорий йилнинг июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашган хорижлик меҳмон бир ҳамкасбимиздан юртингизда нима ривожланган, деб сўради. Шунда у Ўзбекистонда инсон манфаатларига эътибор, одамлар учун зарур ҳамма нарса бор, деб жавоб берди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун мамлакатимизда инсон учун зарур барча нарса муҳайё. Дастурхонимиздаги ноз-неъматлар, эгнимиздаги кийим-кечак, оёғимиз остидаги машина — барча-барчаси юртимизда ишлаб чиқарилмоқда. Авваллари оддий гугурт ёки кундалик ош тузини ҳам четдан келтирган Ўзбекистон бугун замонавий автомобиллар, телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобиль телефонлар, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Юртимизда дунё миқёсида ҳам ноёб саналган йирик саноат комплекслари бунёд этилаётир.

Биргина Устюрт газ-кимё мажмуаси нуфузли халқаро нашрлар, етакчи экспертлар томонидан бир неча бор йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этилди. 2014 йил 13 мартда яна бир халқаро нашр — «Infrastructure Journal» ушбу газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» мукофоти билан тақдирлади.

2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида юқори қўшимча қийматга эга, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2013 йилда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизни, қурилиш материаллари саноати 113,6, енгил саноат 113 ва озиқ-овқат саноати 109 фоизни ташкил этгани ҳам мамлакатимиз саноати ривожини намоён этади.

Энди айтинг, агар мамлакатимиз мустақил бўлмаганида, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқариш, жумладан, саноатни ривожлантиришга эътибор қаратилмаганида бундай натижалар бўлармиди?! Юртимизнинг энг кичик туманларидан бири — Асакани дунё танирмиди?! Қорақалпоғистоннинг олис бурчида дунёдаги ноёб завод қурилармиди?! Мустақиллик туфайли юртимиз салоҳияти юзага чиқди. Бир пайтлар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа билан қараганлар бугун ютуқларимизни тан олмоқда, биздан ўрганмоқда.

Албатта, бундай улкан натижаларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Ҳеч нарса ўзидан-ўзи осмондан тушмайди. Бу рақамлар замирида оқилона иқтисодий сиёсат, тинимсиз меҳнат ва қатъият мужассам. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, мардлиги ва матонати эвазига қўлга киритилаётган, бутун дунёда эътироф этилаётган марралардан ҳар қайсимиз фахрланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақлимиз. Бундай муваффақиятларнинг барқарор ва бардавом бўлиши учун танлаган йўлимизда собитқадам бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ўз ҳиссамизни қўшишимиз жоиз. Чунки унинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам ўзимизники. Шу азиз Ватан — барчамизники!

**Анвар САМАДОВ,**
ЎзА шарҳловчиси

# Қонунлар содда ва равон бўлса

## ижро этилиши осон кечади

### Ишчи гуруҳи йиғилиши

Қимматли қоғозлар бозорининг республикамиз молия бозоридаги ва умуман иқтисодиётдаги мавқеини янада ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш, фонд бозорига қимматли қоғозларни чиқариш ва уни жойлаштириш шартлари, қимматли қоғозлар билан битимларни тузиш ва уларни рўйхатга олиш талаблари, шунингдек, фонд бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш шартларини соддалаштириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилиниб, айни пайтда иккинчи ўқишга тайёрлаш устида иш олиб борилаётган "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш учун таклифлар тайёрлаш устида масъул қўмита билан биргаликда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ишчи гуруҳи аъзолари ҳам иш олиб бормоқдалар.

Фракция ишчи гуруҳининг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишида ҳам айни ушбу қонун лойиҳаси бўйича тайёрланаётган таклифлар депутатлар ва партия экспертлари иштирокида кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси эмиссиявий қимматли қоғозлар, шу жумладан, янги молиявий инструментлар билан боғлиқ тартиб-таомилларни соддалаштириш, қимматли қоғозлар билан боғлиқ шартномавий муносабатларни замонавий электрон технологиялар воситасида амалга оширишга йўналтирилган бўлиб, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларига қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш, шу билан бирга қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни аниқлаштиришга қаратилгандир.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг жадал ривожланишига, фонд бозорининг замонавий ахборот технологияларига ўтишини таъминлаш ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича энг илғор халқаро амалиётни мамлакатимизда татбиқ этишга хизмат қилади. Ишлаб чиқилган қонун лойиҳасининг асосий қоидалари билан амалдаги «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонун моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи бир қатор асосий тушунчаларга ўзгартиришлар киритилмоқда. Жумладан, ахборотларни ошкор қилишни тартибга солиш ва қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг жавобгарлиги юзасидан қонунга алоҳида моддалар сифатида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳаси қимматли қоғозлар чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асосини аниқлаштирувчи қоидани назарда тутади. Шундай қилиб, ҳужжатни расмийлаштиришдаги техник камчиликларни бартараф этиш рўйхатга олувчи органнинг ёзма хабарномасига асосан, ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатида эмитент томонидан бартараф этилиши мумкин бўлса, рад этиш учун асос бўлмаслигини қонунда белгилаш таклиф қилинмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида савдоларнинг ташкилотчилари савдо майдончаларида қимматли қоғозлар билан битимлар тузиш ва рўйхатга олишнинг электрон кўринишда амалга оширилишини белгилаш, инвестиция лойиҳаларига капитални жалб қилиш, инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш заруратидан келиб чиқиб, қимматли қоғозларнинг янги турини – инфратузилмавий облигациялар чиқаришни кўзда тутувчи норма белгиланмоқда.

**Мавлуда Нишонова, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:**

— Қонун лойиҳасининг асосий ғояси қимматли қоғозлар бозорининг республика молия бозоридаги ва умуман иқтисодиётдаги мавқеини янада ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилганлиги, унда республика фонд бозорининг замонавий ахборот технологияларига ўтишини таъминлаш ва янги молиявий инструментларни жорий этиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича энг илғор халқаро амалиётни татбиқ этишни назарда тутувчи нормалар акс эттирилаётганлиги Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий мақсад-вазифаларига тўла мос келиши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, ахборотларни ошкор қилишни тартибга солиш ва қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг жавобгарлиги юзасидан алоҳида моддаларни киритиш таклиф этилмоқдаки, бу ҳам ўз навбатида қонун лойиҳасини партиянинг дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳ зиммасидаги масъулият ҳиссини оширмоқда. Биринчи ўқишдан сўнг ишчи гуруҳимиз томонидан берилган 20 та таклифдан 18 таси қонун лойиҳасида ўз аксини топди. Албатта, ишчи гуруҳи томонидан айни пайтда тегишли қўмитага тақдим этиш учун яна бир қатор асослантирилган таклифлар тайёрланмоқда.

Хусусан, бизнинг фикримизча, ушбу ҳужжат билан амалдаги «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонуннинг 64 та моддасидан 44 тасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётганлиги сабабли таклиф этилаётган қонун лойиҳасини янги таҳрирда киритиш зарур. Шу билан бирга, лойиҳада келтирилган қимматли қоғозлар бозорига оид тушунча ва атамаларни янада содда, одамларга тушунарли тилда ифодалаш керак, деб ҳисоблаймиз. Шунда уни амалиётга киритилгандан кейин осон ижро этилишига замин бўлади.

Йиғилишда партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларидан келиб чиқадиган таклиф-мулоҳазалар экспертлар ва мутахассислар иштирокида қизғин муҳокама этилди. Ишлаб чиқилган таклифларни масъул қўмиталарга тақдим этиш ҳамда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ ва асосли таклифлар ишлаб чиқишни давом эттириш вазифалари белгилаб олинди.

**Илёс САХАТОВ**

# Тадбиркорлик — ижтимоий ҳимоя таянчи

Давоми. Боши 1-бетда

Уларнинг орасида Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзолари, тарафдорлари ва хайрихоҳлари кўпчиликни ташкил этади. Зеро, аёллар ва ёшлар фаоллигини ошириш, уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини кучайтириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, иш билан бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик, касаначилик соҳаларида эркин фаолият кўрсатишлари учун қулай муҳит ва шарт-шароит яратиш Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ҳам доимий эътиборида. Шу мақсадда партия ўзининг Сайловолди дастурида белгиланган долзарб вазифалардан келиб чиқиб, муҳим лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Жамиятимизнинг катта кучи, етакчи бўғини бўлган аёллар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаяпти. Айниқса, партиянинг Марказий банк билан хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш борасида олиб бораётган ҳамкорликдаги ишлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб Марказий банк ва Ўзбекистон «Адолат» СДП ташаббуси билан Андижон давлат тиббиёт институти мажлислар залида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, инновацион лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш» мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам ана шундай истиқболли лойиҳаларга қанот бағишлаяпти. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши, Андижон вилояти ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси масъул ходимлари иштирокида ўтказилган мазкур тадбирда мавзуга оид кўргазмалар ташкил этилиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари ва тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга доир ишлари намойиш этилди.



Давра суҳбатини очган вилоят партия кенгаши раиси Алишер Шодмонов мустақиллик шарофати ила мамлакатимизда юзага келган янги соҳалар аҳолининг турли хизматларга бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмай, иш билан бандлигини таъминлашда ҳам муҳим омилга айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси кучаймоқда. Партия аҳоли даромадларининг изчиллик билан ошиб боришидан манфаатдор куч сифатида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратаяпти. Хусусан, ўтган йили партия ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Банк кредитлари — оилавий тадбиркорликка” деб номланган лойиҳага асосан аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда янгича ёндашув юзага келди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва партия Сиёсий Кенгаши ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, жойларда хотин-қизлар, шу билан бирга ёшларни ҳам тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, шу соҳада уларнинг иштирокини кўпайтириш, касаначилик, ҳунармандчилик, тадбиркорликнинг бошқа турларига оид ишларга кўмак бериш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш арафасида турган маслаҳатга муҳтож ёшлар ва аёлларга ёрдам қўлини чўзиб, уларнинг банк кредитлари олишига ёрдамлашмоқда.

Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, яхши ниятлар билан бошланган бу хайрли ишга илк бор Андижон вилоятида қўл урилди. Ўтган йили партия ташаббуси билан вилоятда аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга керакли маслаҳат ва зарур ёрдам бериш, тадбиркорлик фаолиятига, касаначилик соҳасига жалб этиш орқали жамият ҳаётидаги иштирокини кучайтиришга бағишлаб Марказий банк билан ҳамкорликда катта тадбир ўтказилди. Унинг иштирокчилари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик борасида керакли маълумотларга эга бўлишиб, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга ҳам эришдилар. Тадбирда ўнлаб хотин-қизларга касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятларини йўлга қўйиш учун молия муассасаларининг имтиёзли кредитларини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. 400 миллион сўмликка яқин маблағни ташкил этувчи бу имтиёзли кредитлар эвазига сертификат эгалари фойдали меҳнат билан шуғулланиб, хизматлар кўрсатиш, савдо фаолиятини йўлга қўйиш, ўзи ёқтирган юмушлар билан шуғулланиб, янги иш ўринлари яратишга муваффақ бўлишди.

Партия лойиҳасига жойларда қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг юзлаб аъзолари, тарафдорлари ва хайрихоҳлари кўпчилик учун фойдали бўлган шундай тадбирларни бундан буён янада кўпроқ ўтказилишига умид қилишмоқда. Уларда тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини қўлга киритиб, инсон манфаатлари олий қадриятга айланган юртимизда яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиш истаги кучаймоқда. Бу галги давра суҳбати ҳам долзарблиги, масалалар ечимини ўзида тўла ифода этганлиги, аҳамияти, кўпчиликнинг манфаатига тўла мос тушганлиги билан ҳаммага мақул бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан Андижон вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзура Юнусова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Анвар Сулаймонов, партия Сиёсий Кенгаши Аёллар ва ёшлар фаоллигини ошириш бўлими мудири Муҳаррам Дадаходжаева, Марказий банкнинг Андижон вилояти бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Иброҳимжон Митиллаев ва бошқалар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, қонунлар, яратилаётган имтиёзлар хусусида атрофлича маълумот беришди.

— Ўтган йилги шундай тадбирда “Агробанк”нинг 30 миллион сўмлик имтиёзли кредитини олиш учун сертификат олган эдим, — дейди Маҳфуза Машрапова. — Айрим танишларим “Сиз бир парча қоғоз олдингиз, холос. Бу сертификатингизга ҳеч қачон имтиёзли кредит ололмайсиз”, дейишганди. Бироқ бу гаплар бекор экан. Мен сертификатимда кўрсатилган маблағни қисқа муддатда, ортиқча сансалорликсиз ва қоғозбозликларсиз олдим. Маблағдан самарали фойдаланиб, тадбиркорликни йўлга қўйдим. Андижон шаҳрида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан шуғулландим. Ўнга яқин янги иш ўрни яратдим. Эндиликда соҳани янада кенгайтириб, маҳсулотлар турини кўпайтиришга ҳаракат қилаяпман. Ишларимизни йўлга қўйишда бизга яқиндан ёрдам берган «Адолат» партияси ҳамда Марказий банк мутасаддиларидан миннатдорман..

**Ўзаро келишувга асосан ҳамкорлик алоқаларини тобора кенгайтириб бораётган, мамлакатимиз шаҳар ва туманларида қатор тадбирларни ўтказиб, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаб келаётган Ўзбекистон «Адолат» СДП ва Марказий банк ташаббуси билан давра суҳбати якунида Андижон вилоятидаги 40 нафардан зиёд ёш тадбиркорларга, тадбиркор аёлларга, касб-ҳунар коллежларини битириб, шу соҳа билан шуғулланиш ҳаракатида юрган ёшларга, кичик бизнес эгалари ва касаначиларга тижорат банкларининг умумий миқдори 1,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитларини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари топширилди.**

— Биз яхши ниятлар билан «Асакалик Саодатхон» хусусий корхонасини ташкил этган эдик, — дейди тадбиркор Умида Ураимова. — Фаолиятимизни йўлга қўйиш учун бугунги тадбирда «Агробанк»нинг 15 миллион сўмлик имтиёзли кредитига сертификат олдик. Бу маблағни тикувчилик машиналари сотиб олишга ишлатамиз. Миллий услубдаги хилма-хил либосларни тайёрлаб, бир-биридан гўзал ва дилбар аёлларимизга тақдим этамиз. Хусусий корхонамизнинг қўлигул чеварлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни келгусида янада кўпайтириб, хорижга ҳам экспорт қиламиз.

— Давра суҳбатида қатнашган барча тадбиркорлар бугун шундай улуғ ниятларни кўзламоқда, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Аёллар ва ёшлар фаоллигини ошириш бўлими бошлиғи Муҳаррам Дадаходжаева суҳбатимизга қўшилиб. — Уларнинг азму қарори қатъий. Ўз сафларини хотин-қизлар ва ёшлар ҳисобига йил сайин кенгайтириб бораётган партиямиз бу ҳаракатларни давом эттириб, аёллар ва ёшларни доимо қўллаб-қувватлайверади. Амалий ишлар, ютуқлар кўпаяди.

Ҳа, аёлларини, ёшларини қадрлаган, эъзозлаган юрт тобора тараққий этиб, гуллаб-яшнаб бораверади, залворли муваффақиятларни қўлга киритаверади. Бугунги юксалишлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

**Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,**
«Adolat» мухбири

# ОАВ муҳим воқеа арафасида

## ёки сайловлар жараёнини холис ва ҳаққоний ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти хусусида

**Давра суҳбати**

Ҳеч истисносиз айтиш мумкинки, демократик тамойилларга асосланган жамият ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеага айланиши кутилаётган сайловлар ва бу жараёнда давлат ҳокимияти халқ томонидан шакллантирилиши том маънода хабардорликни, ошкораликни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, сайловлар жараёнини холис ва ҳаққоний ёритишда, иштирокчилар ўртасида очиқ ахборот муҳитини таъминлашда матбуот энг зарур манба ҳисобланади. Аниқроғи, ОАВ сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари ўртасидаги рақобатни акс эттириши, сайловчиларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишларини назорат қилишлари, бу жараёнда адолат ва қонунийлик меъёрларидан оғишмасликни таъминлашнинг ўзига хос муҳим шарти.




Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд ҳудудий бўлинмасида сайлов комиссияси вакиллари, ҳуқуқшунос экспертлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, сиёсий партияларнинг матбуот котиблари иштирокида ўтказилган давра суҳбати ҳам ана шу мавзуга, яъни сайловлар жараёнини ёритишда, сайловчилар ҳуқуқларини таъминлашда ОАВнинг иштироки масалаларига бағишланди.

Мулоқотга тўпланган журналистлар сайлов қонунчилигида яратилган ҳуқуқ ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ўз ваколатларини амалга ошириши, сайлов участкалари, сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари билан муносабатга киришишда қандай позицияни эгаллаш, ахборот тарқатишда нималарга эътибор берилиши хусусида батафсил фикрлашиб олдилар. Бир-биридан фойдали ва қизиқарли маърузаларни тингладилар.

Хусусан, Марказий сайлов комиссияси аъзоси Ш.Сирожиддинов ва Самарқанд вилоят сайлов комиссияси котиби А.Курахмедовнинг сиёсий жараённи ёритишда ОАВ ходимларига яратиладиган шарт-шароитлар ҳамда фуқаролар учун очиқ ахборот муҳитини таъминлашдаги ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги маърузалари мулоқот иштирокчиларида самимий муносабат уйғотди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд ҳудудий бўлинмаси катта мутахассиси Э.Улуғмуродов ОАВ давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг бориши жараёни устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиши масаласига эътиборни қаратар экан, матбуот ходимлари сайлов комиссиялари фаолияти тўғрисида сиёсий жараённинг тўлақонли иштирокчиларига айланишлари зарурлиги таъкидлади.

Маълумот ўрнида шу нарса айтиб ўтилдики, мамлакатимиздаги сайловлар жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг иштироки тобора кучайиб бормоқда.

Агар 1994 йилги парламент сайловида 475 та ОАВ сиёсий жараённи ёритган бўлса, 2004 йилдаги сайловларда уларнинг сони 928 тани ташкил этди. 2009 йилги парламент сайловлари чоғида 500 дан ортиқ миллий оммавий ахборот ва 200 дан зиёд хорижий ахборот воситалари тўлақонли иштирок этишлари таъминланди. Демак, матбуот сайловларнинг демократик талабларга мос тарзда ўтиши учун тобора салмоқли роль ўйнамоқда.

Мулоқотда сўз олган “Самарқанд” газетаси бош муҳаррири Ҳ.Жўраев, вилоят давлат телерадиокомпанияси директори ўринбосари Д.Исматов сайловларга тайёргарлик жараёнини ёритишда ўз жамоаларида аллақачон муайян тажрибалар тўпланганлигини қайд этишиб, энди бу ҳаракатларни изчил давом эттириш зарурлиги ҳақида тўхталдилар.

Давра суҳбатида давлат ва нодавлат телерадиоканалларида, шунингдек, матбуот нашрларида сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари сайловолди ташвиқотлари учун ажратилган вақт, ҳажмлар хусусида яна бир карра аниқлик киритилди. Депутатликка номзодлар ва уларни кўрсатган сиёсий партияларга ўз сайловолди дастурларини электоратга етказишлари учун бир хил имконият ва шароит яратилиши ҳақида қатъий келишиб олинди.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
«Adolat» мухбири

## Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

# Тиббий маданият — саломатлик гарови

Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон туман кенгаши ташаббуси билан Роввот қишлоқ врачлик пунктида “Саломатлигимиз ўз қўлимизда” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда тиббий маданият, тозалик ва бадантарбиянинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги роли, оилада соғлом турмуш тарғиботи ва шифокор маслаҳати мавзуларидаги маърузалар тингланди. Спорт — саломатлик гарови эканлигини ифодаловчи фильм намойиш этилди.

Шунингдек, ҚВП шифокорлари ва маҳалла фаолларидан иборат тарғибот гуруҳи оилаларга кириб бориб мавзу юзасидан тарғибот ишларини олиб борди. Хонадонларнинг санитария-гигиена талабларига қанчалик жавоб бериши ўрганилди.

— Тадбирдан кўзланган мақсад юртдошларимизни ўз саломатлигига доим эътиборли бўлишга чақириш. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом турмуш кечиришга ўргатиш. Бу борада шифокорлар маслаҳатига амал қилиш ва спортга ошнолик катта аҳамиятга эга, — дейди Роввот ҚВП мудири Зарифахон Ёқубова.

Давра суҳбати якунида ота-оналар олдига фарзандларини ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиб бориш ва соғлом ҳаёт кечиришга ўргатиш вазифаси қўйилди. Юқумли касалликларнинг олдини олишга чақирувчи буклетлар тарқатилди.

**Акбаржон НАЗАРОВ**

Ўзбекистон “Адолат” СДП Мирзачўл туман кенгаши ташаббуси билан янги барпо этилган сунъий тўшамали спорт майдончасида “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида мини-футбол бўйича туман биринчилиги мусобақаси ташкил этилди. Тадбирда туманда фаолият кўрсатаётган ташкилот ва муассасалар ходимлари ҳамда Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларидан иборат 8 та жамоа ўзаро куч синашдилар.

Мини-футбол бўйича спорт мусобақаси очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон “Адолат” СДП Жиззах вилояти кенгаши раиси Р.Тўйчиев, Мирзачўл туман партия кенгаши раиси С.Баратов ва бошқалар йиғилганларни мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик байрами билан қутлар экан, ўтган йилларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб воярга етишига хизмат қилаётганлигини эътироф этдилар.

Шундан сўнг давлатимиз мадҳияси остида мусобақага старт берилди. Қизғин ва муросасиз тарзда давом этган ўйинлар томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Муросасиз баҳслар натижасида финалга Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари ва мураббийлари йўл олди. Ўйинннинг иккинчи бўлимида спорт мактаби тарбияланувчилари жамоаси томонидан киритилган ягона гол мусобақа ғолибини аниқлаб берди. 2-ўринни туман БЎСМ мураббийлари, 3-ўринни туман солиқ инспекцияси ходимлари қўлга киритишди. Мини-футбол мусобақасида “Энг яхши ҳужумчи”, “Энг яхши ҳимоячи”, “Энг яхши дарвозабон” номинациялари эгалари ҳам аниқланди.

Мусобақа сўнггида ғолиб ва совриндорларга ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилган эсталик совғалари тақдим этилди.

**Ҳусниддин ШАРИПОВ**

**Жараён**

Кучли фуқаролик жамияти барпо этилаётган давлатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини белгиловчи мезонлардан бири — фуқароларнинг мурожаатлари ҳисобланади. “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига асосан “Фуқароларнинг давлат органларига газеталар, журналлар, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари таҳририятлари орқали келиб тушган мурожаатлари ушбу қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

# Ўз ҳуқуқингиздан фойдаланинг

Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган мурожаатларидан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоат фикрини ўрганиш ва акс эттириш учун фойдаланиш мумкин”.

Таҳририятимизга 2014 йилнинг ярим йиллиги бўйича келиб тушган ёзма мурожаатларнинг сонига тўхталар эканмиз, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уларнинг сони камайганини кузатиш мумкин. Хусусан, 2013 йилнинг шу даврига қадар 98 та ёзма мурожаат келиб тушган бўлса, бу йилги кўрсаткич 54 тани ташкил қилди. Бироқ таҳририятимизнинг электрон манзилига келиб тушган мурожаатларнинг сони ортмоқда. Электрон мурожаатлар нафақат таклиф, ариза ва шикоятлар, балки мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунларга оид муносабатлар, фикр-мулоҳазалар, амалдаги қонунчиликка доир саволлар, турли хил тадбир ва маросимларда иштирок этиш учун таклифлардан иборат. Юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган юзлаб электрон мурожаатларнинг ўсиш тенденцияси халқимизнинг самарали ва тезкор интернет хизматидан фойдаланишни афзал кўраётгани билан изоҳланади, албатта.

Шикоят-аризаларнинг барчасига оид сўровномалар аниқ бир қонуний хулоса олиниши учун тегишли ташкилотларга жўнатилади, ҳуқуқий маслаҳат сўраган фуқароларимизнинг саволларига соҳа вакиллари ёрдамида газетамизнинг ҳар сонида “Сўраган эдингиз” рукни остида жавоб қайтарилади, муносабатлар ҳам мунтазам чоп этиб борилади.

Хулоса ўрнида айтиш лозим, биз, таҳририят ходимларига Сиз, фуқароларнинг ҳар бир фикр ва мулоҳазангиз қадрли. Зеро, фуқаролик жамиятининг муҳим шартларидан бири ҳам фикрлар хилма-хиллигининг таъминланишидир. Шу боис сиз, ўқувчиларимиздан теварак-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисалар, олиб борилаётган ислоҳотлар, жамият ва давлат аҳамиятига эга бўлган масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарингизни билдириш ҳуқуқидан фойдаланишингизни тавсия қиламиз.

**Саодат СОДИҚОВА,**
«Adolat» мухбири

ADOLAT
№ 32 (993) 2014-yil
15-avgust, juma

# Бир келиб кетинг қишлоғимизга...



Давоми. Боши 1-бетда

Бундай қонуности ҳужжатининг қабул қилиниши ҳаётий зарурат эди. Чунки қишлоқларда уй-жой қурилиши, ободончилик ишларини амалга ошириш борасида кўпдан-кўп муаммолар йиғилиб қолган, улар ўз оқилона ечимини кутаётган эди. Уй-жойлар бош режаларсиз қурилар, ҳудудларнинг ўзига хос табиий ва иқлимий хусусиятлари, оилаларнинг миллий анъаналари ҳисобга олиниб ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар йўқ эди. Ўзига ўзи уй солаётган кишининг имкониятлари чекланган, қурилиш материалларининг доимий танқислиги мавжуд, қишлоқда ривожланган қурилиш саноати йўқ, бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Шунинг учун уйлар кўлбола қурилиш материаллари, яъни хом ғиштдан тикланар, ёғочдан пол қилинмас, том эса фақат асбест шифер билан ёпилар эди. Режасиз қурилгани учун ҳам бундай аҳоли пунктларида инфратузилмани шакллантириш, яъни коммунал қулайликлар билан таъминлашнинг имкони топилмас, ичимлик суви, электр энергияси ва газ тармоқларини етказиб беришда жиддий муаммолар юзага келар эди. Бундай маҳаллаларда тиббиёт муассасалари, савдо шохобчалари, бозорлар барпо этиш қанчалик мушкул бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

Қарор асосида қишлоқда уй-жой қуришни комплекс амалга ошириш дастури ишлаб чиқилиб, ўзига хос модель яратилди. Давлат бош ислоҳотчи сифатида уй-жойга муҳтож оилалар учун қулайликлар тизимини яратди. Аввало, якка тартибда уй-жой қурилишига кредит ажратиш механизми ишлаб чиқилди.

Намунавий уй-жойларни лойиҳалаштириш, ижтимоий ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига эга бўлган уй-жой массивларини комплекс қуриш режасини ишлаб чиқиш **"Қишлоқ қурилиш лойиҳа"** ихтисослаштирилган лойиҳа-тадқиқот институти зиммасига юкланди. Бу институт қурилиш ишлари бажарилиши устидан муаллифлик назоратини ҳам амалга оширади.

Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини кредит асосида молиялаш мақсадида **"Қишлоқ қурилиш банк"** акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Банк аҳолига ҳам, қишлоқда уй-жой, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этаётган қурилиш ташкилотларига ҳам, қишлоқ қурилишида фойдаланиладиган замонавий материаллар ва конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам кредит беради.

Қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қуриш дастурини амалга оширишда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки ҳам фаол иштирок этмоқда.

Уй-жойларни намунавий лойиҳалар асосида тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриш борасидаги барча ишлар **"Қишлоқ қурилиш инвест"** ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси зиммасига юкланган.

Бундай уй-жойга эга бўлиш ниятидаги фуқаро, аввало, эҳтиёжи ва имкониятига яраша намунавий уй-жой лойиҳаларидан бирини танлайди. Умумий нархнинг 40 фоизини олдиндан тўлайди, қолган 60 фоизи эса банк тарафидан кредит тарзида тўлаб берилади. Фуқаро бу кредитни 15 йил давомида узиб боради. У ана шу кредитни қайтариш ва унинг устама фоизларини қоплашга йўналтирилган маблағдан даромад солиқларини тўлашдан, шунингдек, у сотиб олган уй-жойдаги мулк учун ипотека кредитини тўлиқ тўлагунга қадар солиқ тўлашдан озод этилган.

Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар жаҳон назаридан четда қолмади, албатта. 2013 йил 16-17 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган **"Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили"** мавзусидаги халқаро конференцияда мутахассис ва экспертлар Ўзбекистоннинг бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларини бошқаларга ибрат бўлишга арзийди, деб тан олишди.

Ўтган беш йил мобайнида мамлакатимиздаги 159 қишлоқ туманида 900 дан зиёд янги уй-жой массиви барпо этилди. Шу тариқа намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 4,5 миллион квадрат метр бўлган 33,5 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу, шунча оила турмушида кескин бурилиш юз берди, улар ҳаётидан мамнун ҳолда энг замонавий талабларга жавоб берадиган шарт-шароитларга эга уйларда яшай бошлади, деган гап. Ахир, инсон бахт учун яралган. У ҳар кимга бир боргина бериладиган умрни хуш-хурсанд, мамнун ва мазмунли ўтказиши керак. Якка тартибдаги янги уй-жойлар эса бунинг учун шарт-шароит яратиб беради.

Бу янги массивларимизда муносиб яшаш учун қулайликлар туғдирган ижтимоий аҳамиятга молик объектлар қурилмоқда. Фақат сўнгги 5 йилда мамлакатимизнинг янги массивларида 750 километрлик автомобиль йўллари, узунлиги 1,6 минг километрдан зиёд ичимлик суви қувурлари, 1,2 минг километрлик электр ва газ тармоқлари, 800 дан зиёд ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари бунёд этилди.

Инсон ҳаётга бир марта келади. Унинг бебаҳо умри ўзига уй қуриш билан ўтиб кетмаслиги керак. Биринчидан, ҳар ким ўз касби билан шуғулланғани – маъқул. Уйларни мутахассислар қурсин. Шунда ҳар кимнинг ўз соҳаси ҳақиқий мутахассиси бўлиши учун имкон, яъни вақт пайдо бўлади. Ахир, кундузи ўз касбида ишлаб, кечаси билан эру хотин лой қориб, деворга чаплаганлар каммиди?

Иккинчидан, қинғир-қийшиқ, бетартиб, бережа қурилган уйларнинг даври ўтди. Энди қишлоқлар ҳам ҳар томонлама талаб даражасида, ҳам қулай, ҳам шинам, ҳам кўзни қувонтирадиган, кўркам бўлиши керак.

Учинчидан, уй-жой узоқ муддатга хизмат қиладиган қилиб бунёд этилиши, шу тариқа авлодлар меҳнати иқтисод қилиниши зарур. Ҳозирги намунавий лойиҳалар асосидаги қишлоқ уйлари пишиқ ғиштдан қуриляпти, бунда уларнинг узоқ йиллар хизмат қилиши кўзда тутилган. Уй қанча узоқ муддат хизмат кўрсатса, инсон меҳнати, демакки, вақти шунча иқтисод қилинади.

Ғарбий Европанинг қадим шаҳарларида бундан беш аср аввал бунёд этилган айрим уйларда ҳозир ҳам одамлар яшаяпти. Уй эгалари бу бинони қайси аждоди қачон қурганини билади. Лекин улар, умуман, уй қандай қурилишидан тамоман бехабар. Аммо эвазига улар вақтини ўзини мутахассис сифатида юксак даражада ривожлантиришга сарфлаган-да. Демак, беш юз йилдан бери бир оила лой қормайди, ғишт термайди, том ёпмайди...

Юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини фуқаро сифатида ҳар биримиз теран англаб етишимиз керак.

Мамлакатимизнинг энг олис қишлоқ ҳудудларидаги янги намунавий уй-жойлардан иборат массивларга кўзи тушганда, ҳатто, уларни ойнаи жаҳон орқали кўриб қолганда ҳам шу азиз Ватаннинг оддий бир фарзанди сифатида ич-ичдан қувонади киши.

Энди шу уйларда яшаётганларнинг қувончини бир тасаввурингизга келтиринг.

Шукроналик — буюк рағбат. У одамни ҳаракатга, меҳнатга, яратувчанликка ундайди.

**Султонмурод ОЛИМ,**
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси.

# Депутат ва БПТ ҳамкорлиги

## электорат манфаатлари ҳимоясида муҳим роль ўйнайди

Давоми. Боши 1-бетда




*БПТлар сонининг ўсиши*

Яқинда Термиз шаҳрида вилоят партия кенгаши томонидан ўтказилган "Сайловлар олдидан ташкилий-партиявий ишларни янада кучайтириш ва ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини яхшилаш долзарб масала" мавзуидаги давра суҳбатида ҳам шу ҳақда сўз борди. Тадбирда қатнашган Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари, депутатлик гуруҳлари вакиллари навбатдаги сайловларга тайёргарлик кўриш, партиялараро рақобатни, сиёсий курашни кучайтириш, ҳудудий партия ташкилотлари ишини жадаллаштиришда фойдаланилмаётган омилларни, кучли ва айни пайтда заиф нуқталарни аниқлаш учун нималарга эътибор қаратиш муҳимлиги ҳақидаги қатор масалаларни муҳокама қилишди.

Партия Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров партия фаоллари зиммасига юклатилаётган вазифаларга тўхталар экан, энг аввало, айрим ҳудудлардаги қуйи бўғинлар фаолиятида ҳамон учраб турган лоқайдлик ҳолатларига, кадрлар захирасини яратиш борасидаги ишларнинг ноизчиллигига, вилоят ва туман кенгашлари фаолиятига масъул бўлган фаолларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашмаётганлигига эътибор қаратди. Унинг фикрича, 102 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг барча ҳудудий кенгашлари ҳам ўз электорати манфаатини етарлича ҳимоя қила олмаяпти. Бу борада, айниқса, депутатлар корпуси, депутатлик гуруҳлари фаолиятининг сустлиги яққол кўзга ташланаётир.

Маълумки, жамиятда фуқароларни ўз ортидан эргаштирувчи барқарор куч сифатида қарор топиш ҳар қандай сиёсий партиядан, жумладан, Ўзбекистон социал-демократларидан ҳам катта масъулият талаб этади. Айтиш жоиз: ана шу мақсадларга эришишда партия ислоҳотлар мазмун-моҳиятини, қабул қилинаётган қонунларнинг оддий фуқаролар учун аҳамиятини кенг халқ оммасига етказиш, бу борада тушунтириш ишлари олиб боришда ҳам фаоллик кўрсатиши лозим.

Яна бир муҳим масала — бу халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти билан боғлиқ. Шуни тан олиб айтиш керакки, Сурхондарё вилоятининг барча ҳудудларида ҳам партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишдаги асосий механизм саналган депутатлик гуруҳлари имкониятларидан деярли фойдаланилмаяпти.

Бугун фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ниҳоятда ошган давр. Бироқ социал-демократик ғоя ва мақсадларимизнинг туб моҳиятини етарлича тушунтиролмаётганимиз, бу борада сусткашликка йўл қўйилаётгани туфайли аҳолини партия сафига жалб қилишда муайян қийинчиликлар пайдо бўлмоқда.

Бу вазифаларни бажаришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларига, қуйи тузилмаларга, айниқса, бошланғич ташкилотлар ишининг самарадорлигига кўп нарса боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, айни пайтда Сурхондарё вилоятида 7 минг нафардан зиёд аъзони бирлаштирган 212 та БПТ фаолият юритмоқда. Мазкур қуйи бўғинлар фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида кучайтириш, партия электорати ва ижтимоий қатлами билан ишлаш усулларини такомиллаштириш, уларнинг маълумотлар базаларини шакллантириш ва янгилаб бориш, партия ташкилоти етакчилари ва фаоллари малакасини ошириш борасида туман ва шаҳар кенгашлари ҳамкорлигида муайян ишлар амалга оширилаётгани бор гап. Жумладан, 2014 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилоят кенгаши Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят минтақавий бўлинмаси билан ҳамкорликда ҳар бир туман, шаҳар миқёсида «Ҳудудий партия ташкилотларини ҳаракатлантиришга таъсир этувчи энг мақбул йўлларни аниқлаш ва сиёсий партияларнинг бошланғич партия ташкилотларида электоратни жалб қилишнинг янги, самарали усулларидан фойдаланиш», "Депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш, сиёсий партиялар ҳудудий ташкилотлари томонидан сайлов жараёнида депутатликка номзодлар тайёрлаш ва кўрсатишнинг долзарб масалалари", "Сайловларда сиёсий партиянинг ваколатли вакили ва кузатувчиси иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзуларида қатор ўқув-семинарлари ўтказди.

Бошланғич партия ташкилотлари томонидан эса 2013 йил давомида жами **330 та** тадбир ўтказилган бўлса, 2014 йилнинг олти ойи давомида бевосита электорат орасида **200 дан** ортиқ мулоқот, семинар ва давра суҳбатлари, турли маданий ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилди.

Бироқ барча бошланғич партия ташкилотлари самарадорлиги юқори, деб айтолмаймиз. Хусусан, Қизириқ туманидаги мавжуд **23 та**, Қумқўрғон туманидаги **15 та**, Олтинсой туманидаги **9 та** БПТларнинг аксарияти бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Давра суҳбати иштирокчилари қуйи бўғинлар томонидан жиддий таклифлар билдирилмаётгани, ташаббуслар кўрсатилмаётгани, аниқ мақсадларга йўналтирилган тадбирлар айрим ҳолларда номигагина ўтказилаётганини таъкидладилар. Партиянинг Термиз тумани кенгаши раиси Бекмурод Аширов ана шу фикрларга жавобан партиянинг юқори ташкилотлари орқали ишни тўғри мувофиқлаштиришга эътиборни кучайтириш лозимлигини билдирди.

Бугунги кун биздан илғор ғояларни ташувчи куч сифатида сиёсий майдондаги ўз ўрнимизни мустаҳкамлай оламизми, ўз ортимиздан электоратни эргаштира биламизми, улар ишончини қозонишга қанчалар тайёрмиз, деган саволларга жавоб қайтаришимизни талаб этаётир. Давра суҳбатида кўрсатиб ўтилганидек, бу биринчи навбатда ўзимизга, мавжуд ўзгаришларни қанчалик чуқур англаб, ишимизни қай даражада қайта қура олишимизга ва янги шароитларда ишлашга қанчалар тайёрлигимизга боғлиқ, албатта.

Келгуси сайловлар тақдири, минг-минглаб сайловчиларнинг ишончи ҳақида жиддий мулоҳазалар билдирилаётган пайтда партия раҳбарлари, жойлардаги фаоллар, фаолияти унчалар кўринмаётган бошланғич партия ташкилотлари етакчилари бундан жиддий хулосалар чиқаришлари лозим.

Тадбирда жойларда депутатлик гуруҳлари ташаббускорлигини янада кучайтириш, бошланғич партия ташкилотларининг электорат билан ишлаш борасидаги самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Комил АВАЗОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти кенгаши мутахассиси

# Амалий ишлар ишончни оширади

Давоми. Боши 1-бетда

Биргина Фарғона вилоятида "Тиббий профилактика — репродуктив саломатлик — соғлом бола" лойиҳасининг ижроси юзасидан шу кунга қадар 30 дан ортиқ тадбир, давра суҳбати, йиғилиш, семинарлар ҳамда тиббий кўрик шаклидаги кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Ушбу тадбирларга 3600 нафардан зиёд иштирокчилар жалб этилди.

Вилоятда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасида шаҳар ва туманларда, чегара ҳудудларда ва чекка қишлоқларда, қишлоқ врачлик пунктларида, маҳалла фуқаролар йиғинларида, ўрта махсус ва олий таълим даргоҳларида вилоят онкология диспансерининг малакали шифокорлари гуруҳи билан биргаликда ташкил этилган малакали тиббий кўрикларда жами 6000 нафардан зиёд ёшлар, аёллар иштирок этди, 440 нафар хотин-қизларда аниқланган касалликлар юзасидан даволаш ишлари олиб борилди, 678 нафар беморлар партия кўмагида касалхоналарга ётқизилиб, дори-дармон билан таъминланди.

Жорий йилнинг 7 июль куни Фарғона шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғинида



Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона шаҳар кенгаши ташаббуси билан аёллар ўртасида кўкрак безі ва бачадон бўйни саратони касаллигининг олдини олишга қаратилган "Бош мақсадимиз хотин-қизлар саломатлигини сақлаш ва саратонга қарши биргаликда курашиш" шиори остидаги давра суҳбати ҳамда вилоят онкология диспансерида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотининг малакали шифокорлари-маммолог, онколог, эндокринолог, кўз ва буйрак касалликлари, УЗИ, ренголог, акушер-гинекологлардан иборат гуруҳ ёрдамида ташкил этилган тиббий кўрикда 100 нафардан зиёд аёллар текширувдан ўтказилди.

— Ушбу тиббий кўрикда шифокорларнинг муомала маданияти ва касбий малакаси юқорилиги биз маҳалла аёлларида нафақат ҳавас, балки, ғайрат ва жўшқинлик уйғотди. Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг соғлиқни сақлаш сифатини ошириш борасидаги дастурий ғояларидан хабар топдик, - дейди тиббий кўрик иштирокчиси Н.Жўраева.

"Соғлом оила — мустаҳкам жамият — барқарор мамлакат" лойиҳаси доирасида Сурхондарё вилоятида ҳам ижобий тажрибаларни кўришимиз мумкин. Вилоятда шу кунга қадар партия ташкилотлари томонидан мазкур лойиҳа доирасида 20 га яқин тадбирлар ташкиллаштирилиб, уларда минг нафарга яқин иштирокчи қамраб олинган. Вилоятда ушбу лойиҳани амалга оширишда асосан давра суҳбатлари, спорт мусобақалари ва хайрия акцияларидан фойдаланилмоқда.

Хусусан, ҳозирга қадар Қумқўрғон, Денов ва Термиз шаҳридаги таълим муассасалари ва маҳаллаларда спорт тадбирлари ташкил этилган бўлса, Термиз шаҳридаги 12-меҳрибонлик уйида ва "Бахт боғи" истироҳат боғида 100 нафарга яқин кам таъминланган оила фарзандлари учун хайрия тадбирлари ташкил этилди.

Бу каби тадбирлар Сариосиё, Музработ, Қумқўрғон туманларида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилганлигини кузатиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган партия лойиҳалари ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Бу эса тобора яқинлашаётган сиёсий партиялар учун муҳим синов — сайловлар олдидан аҳолининг партиямиз дастурий ғояларига ишончини янада оширишга хизмат қилмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

# Масъулият ва ҳисобдорлик таъминланади

Гулистон туманидаги "Уч қаҳрамон" қишлоқ врачлик пункти қошида тузилган бошланғич партия ташкилотида V ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда партиянинг вилоят ва туман кенгаши аъзолари, бошланғич партия ташкилоти фаоллари иштирок этишди.

— Таъкидлаш жоизки, ҳозирги туб ислоҳотлар жараёнида сиёсий фаоллик ҳаммамиз ва ҳар биримиз учун алоҳида аҳамиятга эгадир, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари А.Эшонхонов. — Ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилиши мобайнида ҳам асосий эътибор партия дастурида белгилаб олинган вазифалар ижроси, ғоявий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш борасида эришилган натижаларни кенг ва атрофлича таҳлил этишга қаратилди. Мажлисда қуйи ташкилотнинг партия Сайловолди дастури ижросини таъминлашдаги роли, БПТдан Гулистон туман партия кенгаши ҳисобот-сайлов конференциясига делегатларни сайлаш тўғрисидаги ва бошқа ташкилий масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, тадбирда партия дастури ва Сайловолди платформасида кўзда тутилган муҳим вазифалар ижросини таъминлаш, жумладан, ёшлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, партия аъзоларининг сиёсий онги ва ғоявий дунёқарашини бойитиш, малакали кадрлар захирасини шакллантириш, партия сафларини сифат жиҳатдан мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларга ҳам асосий урғу берилди.

Худди шундай ҳисобот-сайлов конференциялари Гулистон туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги бошланғич партия ташкилотида ҳамда "Шарқ ҳақиқати" ҚВП, "Исломобод" ҚВП, "Боёвут" ҚВП, "Навоий" ҚВП, "Бешбулоқ" ҚВП, "Ўзбекистон" ҚВП қошидаги БПТларда ҳам ўтказилди. Уларда кун тартибида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Шуҳратжон ҲАСАНОВ**

# Ҳудудий партия ташкилотларида

## Партиядошларимиз одамлар ишончини оқлаяпти

Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, эл маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир инсон учун муқаддас бурч, албатта. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона вилоят филиали ҳузуридаги Ўзбекистон "Адолат" СДП бошланғич ташкилоти аъзолари ҳам бугун ана шундай эзгу ният билан фаолият олиб бормоқдалар.



БПТ етакчиси Одил Умаровнинг таъкидлашича, айни пайтда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтиришга партия аъзолари алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Маълумки, бугунги кунда давр руҳига мос ўзгариш ва янгиланишлар тиббиёт соҳасида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Узоққа бормайлик-да, вилоятнинг энг чекка қишлоқларида ҳам тиббиёт соҳасидаги ўзгаришларни таҳлил этиб кўрайлик. Бугун вилоятнинг олис қишлоқларида ҳам барча қулайликларга эга шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари хизмат кўрсатмоқда. «Тез ёрдам», реанимация, туғруқхона бўлимлари, шунингдек, барча қишлоқ врачлик пунктлари тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

— Шу кунларда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан жойларда туркум тадбирлар олиб борилмоқда, — дейди Одил Умаров. — Ўтказилаётган турли суҳбат, учрашув, семинар-кенгаш ҳамда сиёсий ўқувларда ҳам мустақилликка эришиш йўлидаги машаққатлар, уни сақлаб қолиш борасидаги заҳматлар, бугунги кун билан яқин ўтмишимиздаги тафовутлар қиёсий таҳлил орқали очиб берилаяпти.

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши мутасаддиларининг фикрича, О.Умаров фаол етакчи сифатида ҳам кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. БПТ аъзолари билан биргаликда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болалик муҳофазаси, ёш қизларни турмушга тайёрлаш масалалари юзасидан амалий мулоқот, суҳбат, савол-жавоб кечалари ўтказмоқда. Фуқаролар билан учрашувларда кўтарилган долзарб мавзулар бўйича депутатларга жўяли таклифлар билан чиқади. Жумладан, БПТ етакчисининг саъй-ҳаракатлари туфайли Ибн Сино номли МФЙ компьютер билан таъминланди ҳамда маҳаллага малакали участка врачи тайинланди. Айни кунда депутат томонидан пластик карточкалар орқали савдо шохобчаларида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва улар фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Қолаверса, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси бўйича ўз дастур режаларини ишлаб чиққан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали шифокорлари халқимиз саломатлиги йўлида фидокорларча иш юритмоқдалар.

Ушбу марказнинг узоқни кўзлай оладиган, ўз ишига ҳамиша катта масъулият билан ёндашадиган раҳбари Одил Умаров ташаббуси ва 20 нафар шифокор-ходимлар хоҳиши билан жорий йилнинг февраль ойида бу ерда Ўзбекистон "Адолат" СДП бошланғич ташкилоти фаолият юрита бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб партиядошларимиз сафи кенгайиб, улар сони 45 нафарга етди. БПТ аъзоларининг жонкуярлиги, ўз касбларига бўлган меҳри ва фидойилигини, партиямиз ғояларига содиқлигини марказ томонидан олиб борилаётган амалий ишлар мисолида кўриш мумкин.

Бугунги кунда марказда даволанаётган болаларга алоҳида эътибор берилган ҳолда, ихтисослашган, юқори сифатли шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишда юқори технологияли (компьютер томографияси, бронхоскопия, колоноскопия) диагностика ва даволаш тиббий аппаратураларидан кенг фойдаланилмоқда. Шу билан биргаликда туман, шаҳарларда, масалан, Бувайда туманидаги марказга бириктирилган 23 та ҚВПда БПТ фаоллари томонидан аҳолига чуқурлаштирилган тиббий кўрикнинг талаб даражасида ўтказилиши таъминланди. Айниқса, 2000 нафар фертил ёшидаги аёлларда тиббий кўрик ўтказишга алоҳида эътибор берилди ва уларни соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилди.

Шунингдек, марказда даволанаётган беморлар, жумладан, бемор болалар учун санитар барқарорликни таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Болалар хирургияси бўлимида лапароскопия жарроҳлик амалиёти диагностика ва даволаш ишларида кенг татбиқ этилмоқда. Жорий йилда бошланғич партия ташкилоти фаоллари ташаббуси билан онабола саломатлигини асраш ва гўдакни ҳар томонлама тўғри ривожлантириш, парваришлаш мақсадида марказнинг педиатрия бўлимида "Ёш оналар" мактаби ташкил этилди. Ушбу бўлимда малакали шифокорлар Г.Аҳмедова, Р.Солиев, Б.Эминовлар ёш оналарга тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Қолаверса, "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида педиатрия бўлими врачлари Н.Мамажонов, Х.Йўлчиевлар томонидан Тошлоқ, Риштон, Бувайда туманлари аҳолиси ўртасида ёш болаларда ўткир респиратор касалликларининг олдини олиш ҳақида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилди.

Болаларда кўплаб учрайдиган мавсумий касалликларнинг профилактикаси бўйича оналарга тушунча бериш ва тарғибот ишлари олиб бориш бўйича БПТ фаоллари Х.Пўлатова ва Й.Умаржоновлар бошчилигида туман ва шаҳарларда 20 дан ортиқ турли давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди.

— Келгусида олдимизда бажаришимиз лозим бўлган қатор ишлар, истиқболли режалар турибдики, уларнинг ижроси заминида халқимиз, келажагимиз эгалари бўлган болалар саломатлиги ётади, — дейди марказ шифокори, БПТ фаоли М.Тожиев. — Шулар жумласига травматология бўлимида болаларда узун найсимон суякларни даволашда каминвазив замонавий металоостеосинтез операцияларини кенг жорий қилиш, болаларда кўплаб учрайдиган мавсумий касалликларнинг профилактикаси бўйича узлуксиз равишда оналарга тушунча бериш ва тарғибот ишларини олиб бориш, вилоятнинг чекка ҳудудлари, туманлари аҳолиси ўртасида ёш болаларда ўткир респиратор касалликлар ҳақида давра суҳбатларини кўпроқ ташкил этиш ва бу жараёнда ОАВ билан ҳамкорликдаги ишларимизни янада кучайтириш каби вазифаларни белгилаганмиз. Шу билан бирга, қон қуйиш бўлими ходимлари томонидан болаларда аллергик хасталикларида даволаш плазмофорези усулини амалиётга кенг жорий қилиш, мутахассис врачларни малака ошириш учун хорижга ўқишга юбориш каби лойиҳаларни режалаштирганмиз, ушбу мақсадлар йўлида БПТ аъзолари ҳаммаслакликда иш олиб бормоқдамиз.

Албатта, ушбу шарафли соҳа шиддат билан тараққий этиб бораётган айни даврда кишидан нафақат тиббий билим, балки кенг дунёқараш, ўткир сиёсий онг, ижтимоий жараёнларда фаоллик талаб этилади. Шу боисдан БПТ аъзолари ўз мутахассисликлари доирасидаги фаолият билан чекланиб қолмасдан, ташкилий-партиявий ишларда ҳам фаол иштирок этиб, ўз сиёсий билим, кўникмаларини ошириб бормоқдалар.

Умуман олганда, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП бошланғич ташкилотининг самарали фаолияти туфайли юртдошларимизда партиямизга бўлган қизиқиш ва ишонч ортмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

➢ **БПТ — партия таянчи**

Урганч шаҳар партия ташкилоти Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти кенгашининг энг фаол тузилмаларидан саналади. Айни вақтда мазкур партия ташкилотида 1200 нафар партия аъзоси 22 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Шаҳар партия ташкилоти, айниқса, қуйи бўғинлар билан ишлаш борасида бой тажрибага эга.

## Намунали қуйи бўғин фаолияти диққатга сазовор бўлмоқда

Бундай дейишимизга асос бор, албатта. Бир неча йилдан буён вилоят партия кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган «Энг намунали БПТ» кўрик-танловида ғолиблик бу йил Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмасидаги қуйи бўғинга насиб этди.

— Партиямиз мамлакатда амалга оширилаётган «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон манфаатлари учун» тамойилига риоя қилган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб олган, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Урганч шаҳар кенгаши раиси Рустам Болтаев — Шу нуқтаи назардан фаолиятимизнинг асосини ижтимоий ҳимояга қаратмоқдамиз. Бунинг ижобий натижалари партиямиз аъзолари сони ўсаётганлигида намоён бўлмоқда. Бу вазифаларни, албатта, бошланғич ташкилотларимиз орқали самарали амалга оширмоқдамиз.

Таъкидлаш лозимки, Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмасидаги мазкур қуйи бўғин фаоллари маҳаллий Кенгаш депутатлари билан доимий алоқа ўрнатган бўлиб, ҳамкорликда кенг жамоатчилик орасида, маҳаллаларда, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Мустаҳкам оила — маҳалла фахри», «Кексалар — хонадон фариштаси», «Соғлом она — соғлом бола» каби мавзуларда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилиб келмоқда.

— Тиббиёт ходимларидан таркиб топган қуйи ташкилотимиз фаоллари ташаббускорлиги билан ажралиб туради, — дейди халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши депутати, мазкур БПТ раиси Равшанбек Бобожонов. — Улар ташаббуси билан жорий йилнинг ўтган даврида шаҳардаги олтита маҳалла аҳолиси бепул тиббий кўрикдан ўтказилди, коллеж, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий ҳолатни яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бу йил сиёсий партиялар учун муҳим синов даври бўлганлиги боис ҳозирда БПТ аъзоларининг сиёсий билим ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳар ҳафтада бир марта мутахассисларни жалб этган ҳолда махсус ўқувлар ташкил этаяпмиз. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда ўтказилаётган семинар-тренингларга ҳам фаолларимизни кенг жалб этган ҳолда, улар орасидан жорий йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга партиянинг кузатувчиси ва ваколатли вакилларини танлашга асосий эътиборни қаратмоқдамиз. Чунки, бошланғич ташкилотимиз фаоллари доимо халқ орасида юради, уларни кўпчилик танийди. Ҳозирданоқ уларни шу каби сиёсий ўқувлар ва семинар-тренинглар орқали тайёрлаб борсак, сайлов кампанияси даврида номзодларимизни тарғиб-ташвиқ қилишга ва пировардида сайловда уларнинг муваффақиятини таъминлашга эришамиз.

Дарҳақиқат, сайловлар жараёнида бу каби кучли қуйи бўғинлар партиямизнинг асосий таянчига айланиши тайин. Келгусидаги муваффақиятлар учун бугундан замин тайёрлаётган ушбу БПТ фаолларининг саъй-ҳаракатлари эътиборга молик, албатта.

Аммо, кези келганда айтиш лозимки, Урганч шаҳар партия ташкилоти таркибидаги барча бошланғич ташкилотларни ҳам бирдек фаол, деб бўлмайди. Масалан, Урганч шаҳридаги Нефть ва газ саноати коллежи ҳамда Транспорт касб-ҳунар коллежидаги қуйи бўғинлар томонидан ташкил этилаётган тадбирлар таъсирчанлиги суст. Маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорлик ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Бугунги кунда ушбу бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш партия ташкилоти олдида турган устувор масалалардан бирига айланган. Ҳозирги ҳолатга кўра эса, айрим БПТларнинг фаолияти кўпинча фақат тадбирбозлик билан чекланиб қолмоқда. Бундан ташқари, қуйи тузилмалар ўз фаолиятида асосан соғлиқни сақлаш соҳасига йўналиб қолмоқда. Ваҳоланки, партиямиз электоратини мутахассис ва ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар ҳам ташкил этади. Шу боисдан электоратнинг барча қатлами билан ишлаш борасида ҳали олдимизда турган вазифалар салмоғи ҳам кам эмас. Энг муҳими, камчиликлардан ўз вақтида тўғри хулоса чиқариш келгусидаги муваффақиятлар омилидир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида партия ролини ошириш учун қуйи тузилмаларда ишга ёндашувни янгилаш асосий вазифадир. Зеро, айнан бошланғич ташкилотларгина партия электорати билан бевосита иш фаолиятида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолардан яхши хабардор бўлади. Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмаси қошидаги БПТ сингари намунали қуйи бўғинларнинг тажрибаларини оммалаштириш бугунги кунда олдимизда турган асосий вазифалардан биридир.



**Розияжон АТАДЖАНОВА**

## Дахлдорлик билан кўзланган мақсадга эришилади

➢ **Депутатлик гуруҳларида**

Демократик бошқарув тизимини доимий равишда такомиллаштирган ҳолда бугунги ҳаёт талабларига мувофиқлаштириб бориш мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Юртбошимизнинг қонунчилик ташаббуси асосида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Қонуннинг қабул қилиниши эса бу жараённи сифат жиҳатдан тамомила янги босқичга кўтарди.

Бу, энг аввало, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг жойларда ислоҳотлар самарасини оширишга халақит бераётган камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очиқ-ошкора ва амалий руҳда муҳокама қилиш, зиммасига юклатилган мажбуриятларни уддалай олмаётган ижро органлари раҳбарларининг фаолиятига баҳо бериш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилганида яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам Сайловолди дастуридаги мақсадларни амалга ошириш ва ўз электорати манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда депутатлик корпусининг самарали фаолиятига таянади, албатта. Бинобарин, партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга катта эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас.

Маълумки, 2009 йилги сайловларда олдимизга жуда катта мақсад ва вазифаларни белгилаб олган эдик. Хўш, бугунги кунда уларнинг уддасидан қай даражада чиқа олаяпмиз?

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, депутатлик назоратининг барча шаклларидан унумли фойдаланиш борасида депутатлик гуруҳлари фаолиятида тўпланган ижобий тажриба йил сайин такомиллашиб бормоқда. Биргина назорат-таҳлил фаолиятини оладиган бўлсак, 2013 йил давомида 10 та, 2014 йилнинг олти ойи давомида эса 12 та тадбир ўтказилганини кўришимиз мумкин.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига 2013 йилда депутатлик гуруҳлари томонидан киритилган таклифларнинг 5 таси сессияларда муҳокама этилиб, қарорлар қабул қилинганлиги ва ушбу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан оз бўлсада ошганлиги, 2014 йилнинг ўтган даври давомида эса 4 та таклиф сессияларда атрофлича кўриб чиқилганлиги юқоридаги фикрларимизни яна бир карра тасдиқлайди.

Бошқача айтганда, кўрилган масалалар юзасидан депутатлик гуруҳларининг аниқ позицияларини ифода этувчи, энг аввало, электорат манфаатларини кўзлаган ҳолда жойларда олиб борилаётган кенг миқёсдаги ўзгаришларнинг ижтимоий аҳамиятини оширишга хизмат қилувчи конструктив ёндашувлар баён этилаётганлигини кузатиш мумкин.

Бироқ ҳар доим ҳам зиммамиздаги вазифа ва масъулиятни тўлақонли ижро этолмаяпмиз. Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига олти нафар депутат, шаҳар ва туман Кенгашларига эса 20 нафар депутат сайланган ва айни пайтда 6 та депутатлик гуруҳи иш олиб бораётганига қарамай, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига реал таклифлар бера олмадик. Жорий йилнинг олти ойи давомида фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан тегишли идораларга атиги 4 маротаба депутатлик сўрови билан мурожаат этилган, холос. Ўтган йилги кўрсаткич билан солиштирганда ўсиш кузатилмагани республика кенгашидаги партиянинг депутатлик гуруҳи ишини янада жадаллаштириш кераклигини англатади. Ижро ҳокимияти идоралари раҳбарларининг ҳудудларни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари юзасидан ҳисоботларини депутатлик гуруҳларида эшитишдек ижобий тажрибадан жойларда етарли тарзда фойдаланилмаётгани ҳам ҳақиқат.

Айрим депутатларимиз фаолиятида кузатилган бу каби камчиликларни бартараф этиш, уларнинг электорат манфаатлари йўлидаги ташаббускорлиги, амалдаги қонунлар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашдаги фаоллигини ошириш, ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги ҳамда ҳудудлар равнақида муҳим ўрин тутади. Бу борада ҳар бир депутат ўз сайлов округидаги фаолиятини тўғри ташкил этиши, сайловчи ва электорат вакиллари билан мунтазам равишда учрашиб, юзма-юз мулоқот олиб бориши керак. Шундагина аҳолини қизиқтираётган масалалар билан танишиш, ҳудудларда эҳтиёж сезилаётган жиҳатлардан хабардор бўлиш мумкин. Бундан ташқари, халқ вакили фуқаролардан тушаётган мурожаатларга ҳам эътиборли бўлиши, уларнинг ижобий ечим топишига масъулият билан ёндашиши зарур. Жойларда депутат аралашуви билан ҳал қилиниши мумкин бўлган масалалар йўқ эмас, фақатгина улар билан қизиқиш, ваколат доирасидаги вазифалар масъулиятини ҳис этиш керак, холос.

Мухтасар айтганда, партия гуруҳлари хотиржамлик кайфиятига берилмасдан, ўз фаолиятини тизимли равишда кучайтириб бориши, электорат вакилларини ташвишлантираётган масалалар, уларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиши, бартараф этиш йўлларини аниқ таклифлар асосида сессия ва доимий комиссиялар йиғилишларига олиб чиқиши, шунингдек, партия мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш орқали ҳудудлар ривожига ҳисса қўшиши лозим. Зеро, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва сиёсий модернизациялашув жараёнлари депутатлардан янада фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади.

**Барлиқбой ПРЕНОВ,**
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси.

ADOLAT
№ 32 (993) 2014-yil
15-avgust, juma

# Солиқ имтиёзлари
## ривожланишга асос бўлади

**Солиқ почтасидан**

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги Фармони асосида Навоий вилояти ҳудудида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилди.

"Навоий" ЭИИЗ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетишнинг, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади. Бунда, алоҳида ҳуқуқий тартиб, шу жумладан, солиқ, валюта ва божхона тартиби фақат "Навоий" ЭИИЗ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилади.




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрелдаги 120-сонли қарори билан тасдиқланган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисида"ги Низом "Навоий" ЭИИЗ ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни қўллаш тартибини белгилайди.

Амал қилаётган алоҳида солиқ режимига кўра "Навоий" ЭИИЗ қатнашчилари ер солиғи, мол-мулк солиғи, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ободонлаштириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари, тиббий муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.

Бунда мазкур имтиёзлар тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига қараб, қуйидаги муддатларга тенг (эквивалент) бўлганда берилади, яъни:
3 млн. евродан 10 млн. еврогача — 7 йилга;

10 млн. евродан 30 млн. еврогача — 10 йилга берилади. Кейинги 5 йил давомида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади;

30 млн. евродан ортиққа — 15 йилга берилади. Кейинги 10 йил давомида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

"Навоий" ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади. Бунда, Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкин.

"Навоий" ЭИИЗда фаолиятни амалга ошириш юзасидан жами 19 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 15 таси қўшма корхона, 2 таси хорижий корхона ва яна 2 таси шўъба корхона сифатида рўйхатдан ўтган. Буларнинг 16 таси Кармана туманидан, 2 таси Навоий шаҳардан («Olive Telecom» ҚК ва «Uzkor lighting» MCHJ QK) ва 1 таси Тошкент шаҳар Юнусобод туманидан ("Hansang-Pharm" МЧЖ ҚК) рўйхатдан ўтган. Бугунги кунда "Навоий" ЭИИЗда 14 та корхона ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириб маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Шундан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрелдаги 120-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига асосан 9 та корхонага 7 йиллик муддатга имтиёз берилган бўлиб, улар томонидан 2014 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида жами 2.712,1 миллион сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланилган.

**М.ЖАББОРОВ,**
Навоий вилоят ДСБ бошлиғининг биринчи ўринбосари

# Мактаб ярмаркалари
## иш бошлади

Республика болалар кутубхонасида Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган мактаб ўқув қуроллари, дарсликлар, адабиётлар, болалар кийим-кечаклари кўргазмаси бўлиб ўтди.



Унда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, мактаб ярмаркасини ташкил этишга маъсул ташкилот ва идоралар мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Кўргазма доирасида мактаб ярмаркаларини ташкил этиш тартиби, унда сотиладиган маҳсулотлар турлари ва уларни ишлаб чиқарувчилар, мактаб ярмаркаларида савдо-сотиқ ишларини ташкиллаштириш, ярмаркалар ўтказиладиган савдо шохобчалари ва таълим муассасалари ҳақида батафсил маълумот берилди. Тадбирда маҳаллий тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан иштирок этишди. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги компания ва нашриёт уйлари эса мактаб ярмаркаларида сотиладиган ўқув қуроллари, дарсликларни намойиш этишди.

Халқ таълими вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилинишича, янги ўқув йили бошланиши муносабати билан ота-оналар учун қулайлик яратиш мақсадида республикамизда жами 1885 та мактаб ярмаркалари ташкил этилди.

Мактаб ярмаркаларининг 979 таси умумий ўрта таълим мактабларида, 232 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, 398 та аҳоли гавжум бўлган бозорларда ҳамда 276 та йирик савдо мажмуаларида фаолият кўрсатмоқда. Олис ва бориш қийин бўлган тоғли ҳамда чўл ҳудудларга 130 та кўчма автодўконлар хизмат кўрсатяпти.

Республикадаги барча мактаб ярмаркаларида 26 турдаги зарурий ўқув қуроллари ва жиҳозлари сотуви ташкил этилган.

Мактаб ярмаркалари фаолиятини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликларда мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилган.

Жойларда ишлаётган мактаб ярмаркаларига асосий турдаги маҳсулотларни аниқланган эҳтиёж асосида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзбекенгилсаноат" компанияси, "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси, "Шарқ" компанияси етказиб бермоқда. Ярмаркалар ташкил этилган таълим муассасаларининг ҳовли ва фойеларида алоҳида жойлар ажратилиб, зарур жавонлар билан жиҳозланган.

Мактаб ярмаркаларида сотиладиган маҳсулотлар нархнаволарининг сунъий равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда уларда тўлов терминалларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ва давлат солиқ қўмитаси томонидан доимий назорат юритилаяпти.

Ярмаркаларда савдо ишларини амалдаги солиқ ва банк қонунчилигига тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтказиш ҳамда аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида савдо ташкилотлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларида 1885 та барча турдаги тўлов терминаллари (узкарт, виза, он-лайн) ўрнатилган.

Мактаб ярмаркалари жорий йилнинг 10 сентябрига қадар фаолият кўрсатади.

**Барно ЭШҚУВАТОВА**

# Ҳуқуқий асос
## тараққиётнинг биринчи омилидир

**Таҳлил**

Бозор тамойилларига асосланган мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барча турлари давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланаётгани боис тарих учун нисбатан қисқа бир даврда ишбилармон фуқаролардан иборат алоҳида қатлам шаклланиб, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимизда ҳам етакчи ўрин тута бошлади.

Соҳани ривожлантиришга қаратилган қонуний шарт-шароитлар эса аҳоли бандлиги ўсишини таъминлаш, даромадларининг ошиб боришига мустаҳкам замин яратиб, ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бойитишнинг асосий манбаига айланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 15 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар давомийлигини таъминлаш, хусусий иш юритиш шароитларини тубдан яхшилаш каби долзарб масалаларга ижобий ечим топишда муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки мазкур фармонга кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларининг расмий веб-сайтларида тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга солувчи ахборотларни доимий равишда янгилаб бориш тартиби жорий этилди. Натижада, ишбилармон юртдошларимиз юқори идоралар фаолиятидан мунтазам хабардор бўлиб туриш, улардан ўз фаолиятларида фойдаланиш имкониятига эга бўлишди.

Масалан, тадбиркорлик субъектларига рухсатнома характерига эга бўлган лицензиялар ва бошқа расмий ҳужжатларни олиш тартиби, хусусий бизнесга давлат хизматлари ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатишнинг муддатлари ҳамда нархининг эълон қилиниши бир қарашда унчалик кўзга ташланмаса-да, талай оворагарчиликларнинг олдини олди. Жорий йилнинг 1 июнидан маъмурий ва хўжалик бошқаруви, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида чоп этилмаган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар талабларини бузиш ҳолатлари учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чоралари қўллаш тақиқланди.

Шу ўринда яна бир жиҳатга алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Бундан буён хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ, молиявий ҳисоботларни тақдим этмаслик ва уларни кўрсатилган манзилда йўқлиги ҳолатларида уларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақалари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш давлат солиқ хизмати органлари томонидан фақат суднинг тегишли қарори асосидагина амалга оширилади. Яъни, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун давлат солиқ хизмати органи судга мурожжат қилади. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашишнинг олдини олиши билан бирга уларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишларига йўл очиб беради. Шу тариқа тадбиркор судда ўз эътироз ва важларини билдириши орқали ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг яна бир реал имкониятига эга бўлди.

Кўп меҳнат талаб қиладиган айрим тармоқлар бўйича кичик корхоналар ишчиларининг чекланган ўртача йиллик сони оширилгани, жумладан, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида ходимларнинг ўртача чекланган сони 200 нафар этиб белгилангани мазкур тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёз ва преференциялардан янада самарали фойдаланиш, қолаверса, қўшимча иш ўринлари яратиш имкониятини оширди. 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб



кичик тадбиркорлик субъектлари статистик ҳисоботларни йилида бир маротаба тақдим этиш тартиби жорий қилингани эса назорат идораларининг асоссиз аралашишини кескин камайтиришга хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Фармон асосида қабул қилинган "2014-2015 йилларда Инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар дастури" эса тадбиркорлик субъектлари ва инвесторларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва либераллаштиришга, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, корпоратив бошқарув тизимини янада енгиллатиш ва хусусий мулкдорлар ролини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган кўплаб қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг амалиётга қўлланилиши туфайли нодавлат секторнинг умумиқтисодиётимиздаги улуши 55 фоиздан ошди. Иш билан банд аҳолининг 75 фоизи ушбу тармоқда фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг яратувчилик меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тегишли давлат идоралари, шу жумладан, адлия тизими ходимларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда Жиззах вилоят адлия бошқармаси тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратиб келаяпти. Жумладан, **биргина 2013 йилнинг ўзида бошқарма томонидан ўтказилган ўрганишлар жараёнида ҳокимликлар ва назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар ўтказиш ва шу каби жами 3135 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Уларни бартараф этиш учун 84 та тақдимнома, 33 та кўрсатма, 74 та огоҳнома киритилиб, жами 119 нафар масъул шахс интизомий жавобгарликка тортилди, икки нафари вазифасидан озод этилди. Судларга 8 млрд. 567 млн. 378 минг 605 сўмлик даъво аризалари киритилди ва 5 млрд. 429 млн. 903 минг 357 сўмлик ариза қондирилди.**

Фаолиятимиздан шу каби кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Бундай саъй-ҳаракатлар эса, табиийки, аҳолининг адолатга бўлган ишончи ортиб боришини таъминлайди.

**Эркин ХЎЖАҚУЛОВ,**
Жиззах вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

# Изчил ислоҳотлар
## самараси

**Қулайлик**

Юртбошимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун кенг имконият ва шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган мезонлар ҳам бунинг ёрқин далилидир. Мазкур ҳужжатлар бизнес тузилмалари учун янада кенг қулайликлар яратганлиги билан эътиборга молик.

Ушбу фармон ва қарор асосида **солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, барқарор ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлаётган кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ текширувларидан ўтказишга нисбатан қўйилган муддат 2017 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди. Маълумки, ушбу имтиёз 2011 йилда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижроси доирасида жорий этилганди.**

Президентимиз фармонига асосан, хўжалик субъектлари солиқ, молия ҳисоботлари тақдим этмаса ва кўрсатилган манзилда мавжуд бўлмаса, давлат солиқ хизмати органлари фақат суд қарорига кўра унинг тижорат банкларидаги ҳисоблари бўйича операцияларни тўхтатиши мумкинлиги белгилангани мамлакатимизнинг иқтисодий муносабатларни либераллаштириш йўлидан қатъий бораётганига яна бир мисолдир.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра, 2014 йил 1 июндан бошлаб давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органларига тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга соладиган, уларнинг расмий веб-саҳифаларида эълон қилинмаган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар талаблари бузилиши бўйича жавобгарлик чоралари қўллаш ман этилди.

Хуллас, энди тадбиркорлик субъектлари эълон қилинмаган ҳужжатлар талаблари бузилиши бўйича жавобгар бўлмайди. Бу эса, маҳаллий ижроия органлари ишининг очиқлигини янада оширишга хизмат қилади.

Мазкур ҳужжатлар ишбилармонлар учун қулай инвестициявий муҳит яратиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш асосида тадбиркорларга янада кенгроқ эркинлик бериш орқали янги иш ўринлари яратиш ва хусусий секторда аҳоли бандлигини оширишга қаратилган. Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳоли фаровонлиги ва юрт тараққиётини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси ҳаётимизда истиқбол ва умумюксалиш ифодаси сифатида яққол намоён бўлмоқда.

**Рустамжон АТАХАНОВ,**
Наманган шаҳар ДСИ бошлиғи.

# Таълим кредити

**"Адолат" шарҳи**

...Ниҳоят абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари, дўст-биродарлари, таниш-билишлари, умуман олганда, кўпчилигимиз орзиқиб кутган кун ҳам келди. Иқтидорли йигит-қизларнинг орзу-умидлари ушаладиган ушбу кунларда республикамиз олий ўқув юртларига талабаликка қабул қилиш учун ўтказилган тест синови натижалари эълон қилинади. Албатта, тест синовлари — жаҳон тажрибасида ўзини оқлаган, абитуриентнинг билим даражасини баҳолашнинг энг самарали усули эканига шубҳа қилмаймиз.



Шу билан бирга, истиқлол йилларида вояга етган, маънавияти янги замон муҳитида шаклланган баркамол авлод вакилларига ҳавасимиз келади. Улар бундан 20 йил аввалги ёшлардан тамоман фарқланади. Чунончи, олий таълим даргоҳларида ўқиб, ўзлари танлаган соҳа бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишишга интилиши баландлиги, онгу тафаккури ва дунёқараши кенглиги, мақсад-истаклари-да юксаклиги мени ҳайратга солади.

Дарҳақиқат, абитуриентлар сони бўйича 2014 йилда рекорд натижа қайд этилиб, жами 543 131 нафар абитуриент олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган. Бакалаврлар тайёрлаш бўйича кундузги бўлимларга умумий қабул квотаси 57907, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 19120 ва тўлов-контракт асосида 38787 нафар миқдорида белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимини ҳам тубдан ислоҳ этишга қаратилган "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун талабларига мувофиқ, кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" тасдиқланди.

Ушбу дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлда қабул қилинган "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарорига биноан "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом" ишлаб чиқилди.

Маълумки, тижорат банклари кредит сиёсатида мамлакатимиз эртанги кунининг эгалари бўлган ёшларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг етук, билимли ва баркамол бўлиши учун кредитлар орқали кўмаклашиш устувор вазифа этиб белгилаб қўйилган. Буни сўнгги йилларда талаба-ёшлар учун ажратилаётган таълим кредитлари миқдори ўсиб бораётгани ҳам тасдиқлаб турибди. "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом" талаблари асосида охирги тўрт йил (2014 йил 1 июнь ҳолатига) мобайнида тижорат банклари томонидан 50 398 нафар талабага 148,4 млрд. сўм миқдорида таълим кредитлари ажратилган. Биргина жорий йилнинг 6 ойи давомида эса олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиётган 8779 нафар талабаларга 25,7 млрд. сўмлик таълим кредитлари берилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп демакдир. Шундан, 22 нафари (52 млн. сўмдан ортиқ) чин етимлар, "Меҳрибонлик уйлари" тарбияланувчилари, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган талабаларга берилган таълим кредитлари, қолган 8 757 нафари (25,6 млрд. сўмдан зиёди) умумий тартибда ажратилган таълим кредитлари ҳиссасига тўғри келади.

Шу ўринда бизни таълим кредити олиш учун қандай ҳужжатлар талаб этилиши, ушбу турдаги кредитнинг берилиш тартиби, белгиланган фоиз ставкаси, солиқ имтиёзлари ва бошқа кўплаб қонун-қоидалар қизиқтириши табиий.



Тижорат банклари томонидан таълим кредитлари олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриатга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга эса 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабалар, уларнинг ота-онаси ёки васийлари бундай имкониятдан фойдаланиши мумкин.

Таълим кредитлари қарз олувчи яшайдиган аҳоли пунктида жойлашган тижорат банклари муассасалари томонидан берилади. Бунинг учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

а) таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;

б) талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгартиришлар киритилади, бу ҳақда олий таълим муассасаси ўн кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади, сўнгра қарз олувчи, банк ва олий таълим муассасаси ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгартиришлар киритилади;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома;

г) кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;

д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалар фарзандлари тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи қуйидаги таъминот шаклларидан бирини банкка тақдим этади: мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш; банкнинг кафолати; учинчи шахснинг кафиллиги; суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги (фақат чин етимлар ва "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари ҳамда кам таъминланган оилалардан чиққанлар учун).

Тижорат банклари қарз олувчи томонидан таълим кредити беришни сўраб банкка тақдим қилинган ариза ва унга илова қилинган тўла ҳужжатлар тўпламини 10 иш куни мобайнида кўриб чиқиши ва кредит шартномасини имзолаши ёки кредит берилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аризачига кредит беришнинг рад этилиши сабаби кўрсатилган ёзма хулоса бериши лозим.

Таълим кредитлари бўйича маблағлар кредит шартномасида қайд этилган шартларда ҳар ярим йилда ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини икки тенг қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Бунда янгидан қабул қилинган талабалар учун биринчи ярим йилликда ўқиганлик учун бошланғич тўлов жорий йилнинг 1 октябригача, иккинчи ярим йиллик учун навбатдаги календарь йилнинг 15 мартигача тўланади.

Ўқишнинг иккинчи йилидан бошлаб кредит ҳисобига тўловлар ҳар ярим йиллик биринчи ойи (сентябрь ва март)-нинг 5-кунидан кечиктирилмай ўтказилади.

Ҳукуматимиз томонидан ушбу таълим кредити амалиётга кенг татбиқ этилиши ёшларнинг олий ўқув юртларида таълим олишга бўлган иштиёқининг ошишига, айниқса, боқувчисини йўқотган чин етимларни ва "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганларни ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларини, шунингдек, кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш ва уларнинг ота-оналарини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга кенг замин яратди.

Республикамизда таълим кредитлари чин етимларга, "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига ноль фоиз ставкасида (фоизсиз кредит), талабаларнинг қолган тоифаларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкаларида ажратилади.

Кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

Таълим кредитлари учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш таълим муассасасига ўтказилган сумма берилган вақтдан, асосий қарзни қайтариш эса талаба томонидан олий таълим муассасасида таълимнинг ушбу тури учун расмий белгиланган муддати тугаллангандан сўнг, айрим курсларда такроран ўқиш муддати ҳисобга олинмасдан, уч ой ўтгандан сўнг бошланади.

Талаба муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда таълим кредитлари учун фоиз ставкалари ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддаси 31-банди иккинчи хатбошисига мувофиқ, фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган сумалари даромад солиғига тортилмаслиги белгилаб қўйилди.

Таълим кредити билан боғлиқ бу қулай шартлар ва белгиланган имтиёзлар эса, ўз навбатида, республикамизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, олий маълумот олаётган фуқаролар ҳукуматимиз томонидан алоҳида қўллаб-қувватланишидан далолат беради.

**Суюндик МАМИРОВ**

## "Эллик йилдан кейин кўришамиз..."

Россиядаги "КриоРус" компанияси бир неча йилдан буён асосан тузалмас хаста одамлар ва ҳайвонларни музлатиб қўйиш билан шуғулланади. Компания ўз мижозларига орадан кўп йиллар ўтиб, илм-фан, тиббиёт янада ривожланади ва ана ўшанда биз сизларни яна қайтадан тирилтириб оламиз, деган ваъдани беришади. Бугунги кунга келиб компаниянинг криокамераларида 34 одам ва 14 уй ҳайвони сақланмоқда. Юздан ортиқ одам эса ўз навбатини кутиб турибди.

Мижозлар орасида Россия фуқаролари билан бир қаторда хориждан келган меҳмонлар ҳам бор. Хизмат ҳақи оз эмас: бутун танани музлатиб қўйиш учун 36 000 доллар тўланади, алоҳида бошни ёки мияни музлатиш учун эса (нейросақлаш) 12 000 доллар.

"КриоРус" асосчилари бу бизнес яхшигина даромад келтираётганини яширишмайди. Шу сабабли улар бутун хоҳловчиларнинг талабларини ўз вақтида қондириш учун яқин йиллар ичида ўз хизматларини янада кенгайтириш ниятидалар.

Энг қизиғи шундаки, музлатиш ташкилотчилари ўз мижозларига ҳеч қандай кафолат беришмайди. Улар фақат орадан ярим аср ўтар-ўтмас тиббиёт музлатилган одамларни ҳеч қандай хавфсиз қайта тирилтира олишига ишонч билдиришади.



Олимлар "КриоРус" фаолиятига ишонқирамай қарашмоқда, компания ходимларини эса фирибгарлар деб аташмоқда. Шунга қарамасдан, ҳуқуқий жиҳатдан олиб қаралганда, компанияга ҳеч қандай эътироз билдириб бўлмайди. Зеро, компания ҳеч қандай кафолат бермаган тақдирда ҳам бундай хизматдан фойдаланиш ёки фойдаланмасликни мижознинг ўзи танлайди.

## Шотландия: фазовий сайёҳлар таклиф этилади

Кўпчиликнинг хабари бордир, жорий йилнинг сентябрь ойида Шотландияда Буюк Британиядан ажралиб чиқиш бўйича референдум ўтказилади.



Шунга қарамасдан, Буюк Британия ҳукумати Шотландия ҳудудида улкан космодром қурилиши ҳақида баёнот бермоқда.

Режага кўра космодром 2018 йилда ишга тушади. Айни кунларда унга мос жой танланмоқда.

Фазо мавзуси шотландлар учун жуда яқин. Зеро, Ойга биринчи бўлиб қадам қўйган америкалик астронавт Нил Армстронг асли келиб чиқиши шотландиялик бўлган. Шу йилнинг 8 июлида эса Шотландияда лойиҳалаштирилган ва Глазгода йиғилган Ukube-1 йўлдоши Қозоғистон ҳудудидан муваффақиятли равишда орбитага олиб чиқилди.

Айни пайтда ҳукумат янги космодромдан сайёҳлик маркази сифатида ҳам фойдаланишни режалаштирмоқда. Яъни, сармоядор одамлар бу ердан фазога сайёҳлар сифатида олиб чиқилади.

Буюк Британия ҳукумати янги сектор мамлакатда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганини қайд этган. Соҳада 34 мингга яқин киши ишлайди, тадқиқотлар эса мамлакат иқтисодиётига ҳар йили 19 миллиард долларга яқин маблағ келтирмоқда. Ҳукумат 2030 йилга бориб жаҳон фазо бозорининг 10 фоизини эгаллаб олмоқчи, бу эса қўшимча иш ўринлари яратилишига олиб келади.

Дарвоқе, ўтказилган сўровлар натижаларига кўра, маҳаллий аҳолининг ўттиз фоизигина Шотландиянинг Буюк Британиядан ажралиб чиқишини қўллаб овоз бериши мумкин.

## Фудзияма яна уйғониши мумкин

Маълумки, Фудзияма тоғи Япониянинг тимсоли ҳисобланади. Бироқ тез орада ташқи кўринишидан хотиржам, сокин кўринадиган бу тоғ уч асрлик уйқудан уйғониб, ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатиб қўйиши мумкин.

Бир гуруҳ француз ва япон олимлари муқаддас тоғ бағридаги яширин вулқон яна отилиб чиқишга тайёр эканлигини аниқлашган.

Баландлиги 3776 метр бўлган Фудзияма тоғи Токиодан бор-йўғи 100 чақирим узоқликда жойлашган. Бундан ташқари, тоғ Тинч океани, Евроосиё ва Филлиппин тектоник плиталари кесишган нуқтада муқим ўрин эгаллаган. Фудзияма вулқони ғалаён қилиб қолган тақдирда тоғ бағридан миллиардлаб куб метр кул ва эриган тоғ жинслари отилиб чиқиши аниқ.

Олимлар яқин-яқиндан бери вулқонли ғорнинг асос қисмида ғайри табиий ҳодисалар юз бера бошлаганлигини аниқлашган. Қизиғи шундаки, бундай ҳодисалар маркази Фудзиямадан 500 километр узоқликда жойлашган ер силкиниши юз берганидан кейин ҳаракатга тушиб қолган.

Эслатиб ўтамиз, охирги марта Фудзияма вулқони 1707 йили отилиб чиққан. Бунга 8,7 балл куч билан юз берган зилзила сабаб бўлган. Бироқ у пайтлари тоғ атрофи одам кам яшайдиган жой бўлган.



Бугунги кунда эса Фудзияма йирик шаҳарлар ва саноат мажмуалари билан зич қуршаб олинган.

Олимлар ҳозирча аҳолини кўчириш масаласини кун тартибига қўйишмаяпти, бироқ ҳар эҳтимолга қарши уларни ҳушёрликка, лозим бўлиб қолган чоғда зудликда уй-жойларини ташлаб кетишга тайёр туришга чақиришмоқда. Маълумки, 1707 йилги вулқон отилишида эриган лава ўша пайтлари Эдо деб аталган, бугунги Токио жойлашган шаҳарга етиб келган ва 5 мингдан ортиқ кишининг ҳаётига зомин бўлган.

## Нефтда ҳаёт бор

Олмон олимлари нефть қаърида ҳаёт аломатлари мавжудлигини, яъни унда алоҳида бактериялар истиқомат қиладиган сув зарраларини аниқлашди.



Тадқиқотчилар Кариб денгизидаги Тринидад оролида, дунёдаги энг тоза суюқ асфальт резервуари жойлашган Пич-Лейк қирғоқларида изланишлар олиб боришди. Аниқланишича, минерал юзага қалқиб чиқади ва бу сатҳда қаттиқ қобиқ ҳосил қилади.

Ҳолбуки, шу кунгача бунга ўхшаш жараёнлар фақат сув ва нефть чегарасида юзага келади, деб ҳисоблаб келинарди. Энг асосийси, олимлар бу моддада жуда ҳам кам (1-3 микролитр) суюқлик томчисини топишди. Томчининг юқори даражада шўрланганлиги ва сувга чидамли изотопларга эгалиги у ернинг қуйи қатламидан сизиб чиққанлигини кўрсатмоқда. Томчи ичидаги бактериялар фаолияти давомида кимёвий таркибини ўзгартиради ва охир-оқибат қайишқоқ битум пайдо бўлишига олиб келади.

Тўғри, бу жараён нефть сифатига салбий таъсир кўрсатади. Бироқ айни пайтда у ер ости сувларини тозалашда жуда қўл келади. Ўзларини нефтда жуда яхши ҳис қиладиган микроорганизмлар эса олимларга атроф-муҳитни ифлослантирадиган моддаларга қарши кураш олиб боришнинг янги йўллари ва воситаларини кўрсатиб бериши мумкин.

## Ана сизга қомус...

Олимлар Википедияга тиббий мавзуда жойлаштирилган мақолаларни ўрганиб чиқдилар ва уларнинг 90 фоизида жиддий хатоликлар мавжуд эканлигини аниқладилар.

Айниқса, ўпка саратони, қандли диабет, юрак-қон томир хасталиклари ҳақидаги мақолалар бениҳоя саводсизлик билан ёзилган, деб таъкидлашмоқда мутахассислар.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Википедияда дунёнинг 285 тилида 30 миллионга яқин мақола жойлаштирилган. Ачинарли томони шундаки, уларни истаган киши таҳрир этиши, қисқартириши ёки "семиртириши" мумкин. Бунинг устига, олиб борилган тадқиқотларда докторларнинг ва тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларининг 70 фоизи ҳар қандай савол юзасидан айнан Википедияга мурожаат қилишлари аниқланган.

— Одатда, тиббий журнал бирон мақолани эълон қилишдан олдин аввал уни мутахассислар тақризидан ўтказади. Лекин Википедия бундай йўл тутмайди, — дейишмоқда олимлар. — Шу сабабли Википедия бор-йўғи маълумотнома, ундан ташхис қўйиш ва даволашда асосий манба сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Буни асло унутманг!




## Нейрон чип яратилди

IBM корпорацияси мутахассислари яқин келажакда яратиладиган янги авлод суперкомпьютерлари учун нейрон чип ишлаб чиқдилар. Бу чипнинг ўзига хос жиҳати шундак, у инсон миясига ўхшаб ишлайди.




Яъни, у мустақил ўқиб-ўрганишга мослаштирилган, бундан ташқари оддий микропроцессорларга нисбатан юз минглаб маротаба кам энергия сарф қилади. Энг асосийси эса, янги чип визуал маълумотларни таҳлил эта олади.

Сунъий нейрон тармоғи тушунчаси биологик нейрон тармоқларини ўрганиш натижасида юзага келди. Маълумки, асаб тизимида жамланган нейронлар ўзларига хос физилогик функцияларни адо этишади. Ҳар бир нейрон бошқа кўплаб нейронлар билан боғланган бўлиб, уларнинг ўзига хос "мулоқоти" ҳужайралараро муайян импульслар йўлланишига олиб келади.

Мана шу технологик жараёнга асосланган ҳолда яратилган янги чип 4096 нейросинаптик ядродан иборат тўлиб, у ўз фаолиятида 1 миллион дастурланган нейрон ва 256 миллион синапдан фойдаланади.

Интернет хабарлари асосида **Зилола ЙЎЛДОШЕВА** тайёрлади.

ADOLAT
№ 32 (993) 2014-yil
15-avgust, juma

# Ер билан тиллашиб

**Эътироф**

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги маърузаларини тинглаб, серқуёш, жаннатмакон заминда яшаётганимиздан яна бир карра фахрландим.

Асосий ва оралиқ экин майдонларида 255,8 минг гектар ерга сабзавот, 81,5 минг гектар ерга картошка ва 57,1 минг гектар майдонга полиз экинлари экилди. 2,4 минг гектар майдонда янги боғлар, 5,6 минг гектар ерда интенсив боғлар ва 8,9 минг гектар ерда узумзорлар барпо этилди. 4,1 минг гектардаги боғ ва 6,1 минг гектарлик узумзорлар реконструкция қилинди. 213,5 гектар майдонда 421 иссиқхона ташкил этилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида рекорд даражада — 8 миллион тоннадан ортиқ ғалла ҳосили етиштирилди. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, 2,4 миллион тонна сабзавот (2013 йилнинг шу даврига нисбатан 110 фоиз), 1,2 миллион тонна картошка (111,3 фоиз), 150,7 минг тонна полиз экинлари (111,1 фоиз), 782,4 минг тонна мева (110,1 фоиз) ва 22,2 минг тонна узум (112 фоиз) тайёрланиб, ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди.

*Ўзбекистон Республикасини 2014 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисидаги маълумотдан.*



Дарҳақиқат, она юртимизда йилнинг 320 куни қуёшли бўлиши, об-ҳаво, иқлим ва тупроқ шароитларининг қулайлиги заминимизда етиштирилаётган мева, сабзавот, умуман, озиқ-овқат маҳсулотларининг витамин, фойдали микроэлементларга бой бўлишида муҳим омил ҳисобланади. Шу боис ҳам Ўзбекистонда етиштирилаётган маҳсулотларнинг дунёда бозори чаққон, экспортбоп.

Ерга меҳр қўйиб, уруғ сочиб, нав-ниҳол экиб, шу ҳам машаққатли, ҳам шарафли меҳнат орқасидан ризқ-рўз яратиш халқимизга хос фазилат. Афсуски, шўро тузуми даврида шу имкониятдан ҳам мосуво эдик. Бир парчагина томорқамиз бўларди. Ҳарна оиламизга қўшимча даромад деб, шу томорқада сабзавот етиштирардик. Маҳсулотни бозорга олиб бориб, қўрқиб-писиб зўрға сотардик. Аслини олганда эса ота-боболаримиз азалдан боғдорчилик билан шуғулланиб келган, шаҳар ташқарисида катта-катта мевазор боғлари бўлган экан. Биз эса... ишлашга еримиз йўқлигидан хўп азият чекканмиз.

Халқимизда оққан дарё оқаверади, деган пурмаъно нақл бор. Мана, айни пайтда мустақиллик шарофати билан катта ер эгаси бўлиб, ота-боболарим касб-корини давом эттираяпман. Шундай дорилномон кунларга етказганига шукрона айтаман. Маълумки, ҳудудий жиҳатдан пойтахтга энг яқин жойлашган бизнинг Зангиота туманимиз ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва чорвачилик ривож топган туманлардан бири сифатида аҳолини сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Мен раҳбарлик қилаётган "Миришкор Сайфиддинова Хонзода" фермер хўжалигида қирқ киши ишлайди, тўрт ўғлим ёнимда камарбаста бўлиб туришибди. Умумий ер майдонимиз эса 105 гектар. Шундан 40 гектари боғ, унинг 20 гектари интенсив боғ бўлиб, олманинг эрта ва кеч пишар, бири-биридан мазали ва узоқ муддат сақланадиган навлари, шунингдек, гилос, нок ва бошқа мевалар етиштирилади.

Бугун фермер ерга эгалик қилиш ёки ҳосил етиштириш билан чекланиб қоладиган оддий деҳқон эмас, бутун бошли хўжаликнинг эртаси, ишчи-хизматчилари оиласи фаровонлиги, элимиз дастурхони тўкинлиги, қолаверса, юрт ободлиги ҳам уларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Дунёга янгича нигоҳ билан қарайдиган, замонавий билим ва кўникмаларга эга фермерларимиз етиштирган ҳосилини хомашё сифатида эмас, балки қайта ишлаб тайёр маҳсулот ҳолатида юртимиз бозорига ва хорижга олиб чиқишга бел боғлашган. Бунинг учун бизга ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилганини айтиб ўтишим жоиз.

Мен мева-сабзавотчилик борасида хориж тажрибасини ўрганишни кўзлаб кўплаб давлатларда бўлдим. Қулоқ билан эшитган бошқа, кўз билан кўрган бошқа экан. Бутун бошли катта-катта боғларда ишнинг тўғри ташкил этилганини кўриб ҳавасингиз келади. Дарахтлар гулга кирганидан, балки ундан олдинроқда бошлаб, мевага қурт тушмаслиги ёки бирон касалликка чалинмаслиги учун бу вазифани дорилаш фирмаси ўз зиммасига олади. Албатта, оғзаки эмас, ўртада шартнома тузилади. Иккинчи фирма ҳали пишиб етилмасдан ҳосилга эга чиқади. Бунда боғбондан пишиб етилган меваси стандартга мос бўлиши талаб этилади. Яна шартнома тузилади. Боғ орасига ишлов бериш каби юмушларни ҳам қайсидир ташкилот бажаради. Етиштирилган ҳосил умуман нобуд бўлмайди, ҳисоб. Дарахт тагига тушган меваларни ҳам сок ишлаб чиқарувчилар йиғиштириб олиб кетишади. Хўш, ҳамма ишни бошқалар бажарса, боғ эгаси нима иш қилади дерсиз? У боғини янада ривожлантиришни ўйлайди, янгиликка интилади, шунга мос режалар тузади.

**Насиб этса, бугун-эрта Болтиқбўйига отланиб турибман. Ўзбекистон фермерлар кенгаши томонидан тажриба алмашиш учун мени Латвияга хизмат сафарига юборишяпти. Мендек оддий бир боғбон дунё кезса, халқаро анжуманларда қатнашса, чет элда тажриба ошириб, билмаганини ўрганиб, билганини ўша ерлик касбдошларига ўргатиб қайтса, бу ҳам албатта мустақиллик шарофати туфайли.**

Бизда фермер хўжалиги маблағга эҳтиёж сезгудай бўлса, банклар кўмакка тайёр. Лизинг асосида техника дейсизми, марҳамат! Яна қанча-дан-қанча имтиёз ва имкониятлар бериб қўйилибди. Энди шундай яратилган қулайликларга яраша жон койитиб меҳнат ҳам қилишимиз керак-да!

Польшалик ҳамкорларимиз, боғдорчилик борасида тажрибали мутахассис Ричард ва Анна Новаковский билан ўн йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келамиз. Гарчи тилимиз бошқа-бошқа бўлса-да, боғдорчиликка бўлган иштиёқ бизни руҳан яқинлаштирган. Бу оиланинг саккиз юз гектар боғи бор, боғнинг катта қисмида кўчат етиштирилади. Мен Ричардникида бўлганимда европаликлар яратган боғдорчилик мактаби билан яқиндан танишдим, бундан ташқари, дарахтларни томчилатиб суғориш бўйича ўзига хос ихтиролар қилган Пётр деган йигитдан кўп нарсани ўргандим. Томчилатиб суғоришнинг фойдали жиҳатлари кўп, сув ҳам исроф бўлмайди. Замонавий технология ернинг дарахт учун керакли намга тўйинишига қараб ишлайди. Яъни, тупроқ керакли миқдорда намга эга бўлдими, шу заҳоти компьютер сувни тўхтатади. Шунингдек, томчилатиб суғориш ўсимликни ривожлантириш мақсадида бериладиган озиқни ҳам тежайди. Бир сўз билан айтганда, айнан бизбоп технологияни олиб келиб, боғимизда томчилатиб суғоришни йўлга қўйдик.

Ричард, Анна ва Пётр бир неча марта Ўзбекистонга келиб, хонадонимизда меҳмон бўлишди. Биргаликда шаҳримизни айландик, бозорларимизни бориб кўрдик. Улар мева-чеваларимиздан татиб кўришди. Мазасига тан беришди. Европада етиштирилган меваларнинг ташқи кўриниши чиройли, лекин таъми бизникидек ширин эмас. Масалан, биз ўзимизда етиштирилган лимонни ҳам шакар қўшиб истеъмол қиламиз. Польшалик меҳмонлар эса... лимонни шундайича еб, жуда ширин, дейишди. Қаранг-а, ҳатто нордон мевамиз ҳам европаликлар учун тотли, мазали. Бунинг боиси шундаки, Ўзбекистонга тўрт фасл вақтида келади, тупроғи бебаҳо, об-ҳавоси боғдорчилик учун қулай. Дунё мева-чеваларининг ҳеч бири серқуёш ўлкамизда етиштирилган ноз-неъматлардек ширин бўлмайди. Бу ҳақиқатни польшалик дўстларимиз ҳам тан олишди.

Интилганга толе ёр деганларидек, деҳқончилик ва боғдорчилик борасида изланиб, дунё кезиб, ерга меҳр бериб, бировдан кам бўлмадик. Меҳнатимиз эътироф этилди. Мисол учун, 2012 йилда фермер хўжалигимиз давлатга ғалла сотиш режасини ошириб бажаргани учун вилоят ҳокимлиги томонидан "Дамас" русумли автомобиль билан тақдирланган бўлса, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичида "Энг яхши фермер" йўналиши бўйича биринчи ўринга лойиқ кўрилдик ва бизга "Ташаббус-2014" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиш насиб этди.

Келажакдаги режаларимиз ҳам бисёр. Фермер хўжалиги қошида 400 тонналик совутгич ва биогаз ёрдамида иситиладиган иссиқхона қуриш ҳаракатини бошлаб юбордик.

**Заҳириддин САЙФИДДИНОВ,**
"Миришкор Сайфиддинова Хонзода" фермер хўжалиги раҳбари



**Спорт**

Бугун ўзбек миллий кураши жаҳонга танилмоқда. Халқаро миқёсдаги кўплаб кураш ареналарида "ҳалол", "ёнбош", "чала", "дакки" каби ўзбек курашидаги атамалар янграётгани ҳамюртларимиз дилларида фахр ва ғурур уйғотмоқда.

# Гиламда белбоғли полвонлар

Сўлим Пискент шаҳрининг истироҳат боғидаги кураш аренасида белбоғли кураш бўйича мамлакат мусобақаси ўтказилди. Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши ва Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси ҳамда қатор ҳомийлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақада Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг турли вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистондан келган 200 нафардан зиёд полвонлар турли вазн тоифаларида ўзаро беллашдилар.

Мусобақани машҳур ўзбек полвони Азимжон Шокиржонов бошқарди.

— Мамлакатни ҳеч бир соҳа спортчалик дунёга танита олмайди, — дейди Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси раиси Р.Дастиров. — Аслида полвонлик бизнинг халқимизга бобомерос десак, муболаға бўлмайди. Белбоғли курашда рақибнинг елкасини ерга теккизиш шарт эмас. Бунда рақибнинг оёқларини ердан узиб, даст кўтариб гиламга ташлаш талаб этилади, акс ҳолда ҳаракат ҳисобга олинмайди. Ушбу жараённи амалга оширишнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари, кўплаб усуллари борки, барча жараён ҳакамлар назоратида бўлади.

Мусобақа якунига кўра, 55 килограммлик вазнда наманганлик полвон Абдулазиз Ҳамиджонов, 60 килограммлик вазнда тошкентлик Достон Суюнов фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Тошкентлик полвонлар Ғолиб Аҳмедов, Зайниддин Ортиқов ва Нуриддин Маҳаматовлар ўз вазнлари бўйича мутлақ ғолибликни қўлга киритдилар. Ғолиблар I, II, III даражали дипломлар ва пул ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Тошкент вилояти кенгаши матбуот хизмати



# Кўза кунда эмас, кунида синади

**Оғриқ**

Аср вабоси дея талқин этилаётган, кенг жамоатчиликни ташвишга солаётган гиёҳвандлик иллатига қарши бутун дунёда муросасиз кураш олиб борилмоқда. Мазкур муаммога нисбатан эътиборсизлик жиноятчилик сонининг ортишига, миллат генофондининг бузилишига, ногиронлар кўпайишига сабаб бўлади.

Гиёҳвандликка қарши кураш республика ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам энг долзарб вазифалари сирасига киради. Айниқса, бу борадаги ишлар чегарадош ҳудудларда кенг кўламда олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз. Наркофурушлар ўзларининг ғаразли ниятларига эришиш учун турли усулларни ўйлаб топишга, манфур жиноятлари учун ҳатто болалар ва аёлларни ҳам жалб этишга, уларнинг қўллари билан жиноий ҳаракатларини амалга оширишга интилишмоқда. Лекин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари уларнинг бу хомхаёллари йўлига ишончли тўсиқлар қўйишмоқда.

Масалан, 2014 йил 16 апрель куни Самарқанд вилояти ИИБ ЙҲХБ 1-отряди ЙПХ инспекторлари томонидан «Юқори нуқта» мунтазам йўл патрул хизмати масканидан "Самарқанд-Тошкент" йўналишида ҳаракатланиб келаётган, Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида яшовчи А.Турсунов бошқарувидаги «Нексия» русумли автомобиль тўхтатилиб, ҳужжатлар кўздан кечирилаётган чоғда йўловчилардан бирининг безовталанаётгани инспекторларда шубҳа уйғотади. Текширув чоғида Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида яшовчи Х.Раимқулов ёнида *150,51 грамм "марихуанна"* гиёҳванд моддаси борлиги аниқланди. Фуқаро далилий ашё билан биргаликда ички ишлар бўлимига топширилди.

Яна бир мисол, шу йилнинг 26 май куни, Самарқанд вилояти ЙПХ инспектор-кинологи, сержант С.Элмуродов томонидан «Юқори нуқта» мунтазам йўл патрул хизмати масканидан ҳаракатланиб ўтаётган «Нексия» русумли автомобиль текширилаётган пайтда йўловчилардан бири нигоҳини олиб қоча бошлади. Буни зимдан кузатиб турган ЙПХ инспектор-кинологи дарҳол *"Бим"* лақабли хизмат ити ёрдамида Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида яшовчи Н.Ҳақназаровнинг ёнидан миқдори 187,05 грамм «марихуана» гиёҳванд моддасини топди. Бу фуқаро ҳам далилий ашёлар билан бирга ички ишлар бўлимига топширилди.



Бу каби мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Энг муҳими, янги жиноятларнинг келиб чиқиши, кимларнингдир ҳаётдан бевақт кўз юмишига олиб келиши мумкин бўлган оғу тарқалишининг олди олинди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Жиноят чоғида қўлга олинган одамларнинг эртанги куни қандай бўлади? Фарзандлари, қариндош-уруғлари олдида улар ким деган одам бўлишади? Қуда-андалар олдида-чи? Фалончи қудамиз гиёҳвандлик билан шуғулланар экан, деган уй-хаёл уларнинг фарзандларига нисбатан ҳам муносабатни ўзгартириб қўймасмикин? Қамалиб чиқибди, деган тамға фарзандлар тақдирига, уларнинг эртасига соя солмайдими? «Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини» деган нақл айнан мана шундай кимсалар ҳақида айтилмаганмикин? Ким билади, дейсиз. Саволлар кўп, жавоб эса бир хил. Ҳаммаси одамнинг ўзига, унинг иродасига боғлиқ.

Биз гиёҳвандликка қарши курашар эканмиз, энг биринчи навбатда ёшлар ўртасида бу салбий иллатнинг мудҳиш оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини кучайтиришимиз керак. Айнан ана шу мақсадда ички ишлар идоралари ходимлари тез-тез мактабларда, ўқув даргоҳларида эртанги кунимиз эгалари билан учрашувлар ўтказишмоқда. Бу учрашувларда ёшларга гиёҳвандликнинг мудҳиш оқибатлари аниқ мисоллар ёрдамида тушунтирилмоқда. Албатта, гиёҳвандликка қарши кураш ҳаммамизнинг бурчимиз. Ундан ҳеч кимнинг четда туришга ҳаққи йўқ. Бу билан келажак авлодни соғлом ва баркамол воояга етишига, юртимиз фаровонлигини оширишга, дастурхонларимиз тўкинлигига, энг муҳими, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Азизхон МУРОДОВ,**
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ инспектори катта лейтенант

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда тадбиркорлар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзстандарт" агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда синов ва сертификатлаштириш марказлари томонидан маҳсулотларга стандартлар ишлаб чиқиш, уларнинг синовларини ўтказиш ва мувофиқлик сертификатлари бериш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Сиз online режимида ишлайдиган www.standart.uz ва www.rssm.uz сайтлари ёки (8-371) 150-23-00 рақамли "Ишонч телефони" орқали мурожаат қилиб, корхонангизда тайёрланаётган маҳсулотларга стандартлар ишлаб чиқиш, уларнинг синовларини ўтказиш ва сертификатлаштириш, шунингдек, импорт товарлар учун мувофиқлик сертификати олиш юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча саволлар ва ташвишга солаётган айрим муаммолар хусусида марказимизнинг малакали мутахассисларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Биз Сизнинг хизматингиздамиз,
азиз тадбиркорлар!

"Ўзстандарт" агентлиги

Хизматлар лицензияланган

ВСЕ ВИДЫ ПОЛИГРАФИЧЕСКИХ УСЛУГ
тел: (99890) 936 83 99
e-mail: ihtiyor@mail.com
000-menora@mail.ru
НА ЛЮБОМ ФОРМАТЕ
Хизматлар лицензияланган
ГОФРА КОРОБКИ
ПАДДОН КОРОБКИ
ЖУРНАЛЫ
БЛОКНОТЫ
ПЛАКАТЫ
ЭТИКЕТКИ
ТИСНЕНИЕ
У.Ф.ЛАК
ВЫСЕЧКА
ФАЛЬСОФКА ЛИСТОВ
ШВЕЙКА БРОШЮР
Menora
ДИЗАЙН
ВИЗИТКИ
КАЛЕНДАРЫ
ПРИГЛАСИТЕЛЬНЫЕ
ЛАМИНАЦИЯ
БЛАНКИ
ФИРМЕННЫЕ БЛАНКИ
БРОШЮРЫ
БУКЛЕТЫ
КАТАЛОГИ
ФЛАЕРЫ
САМОКЛЕЙКИ

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
**info@adolatgzt.uz; adolat_gazeta@mail.ru**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *288-46-54* (149);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *288-46-64* (146);
Қабулхона — *288-42-23*; *288-46-64* (141) факс;
Котибият — *288-46-64* (144).
**Навбатчи муҳаррир** — Р.Аҳмадалиев **Навбатчи** — И.Ахунджанов.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 800. Адади — 5943
Босишга топшириш вақти — 20.25 Босишга топширилди — 00.25
1 2 3 4 5
*Баҳоси келишилган нархда*